Джон Остиннинг таъкидлашича, "бирор бир гап айтмоқ - бу маълум бир фаолият олиб бормоқдир" [Остин 1986: 27]. Шунга мос равишда, Джон Серл бу борада қуйидаги фикрни билдирган: "Лисоний мулоқот бирлиги, одатда тахмин этганларидек, символ, сўз ёки гап эмас, ҳаттоки сўз ёки гапнинг белгиси ҳам эмас, балки рамз, сўз ёки гапнинг нутқий ҳаракат ижроси жараёнида яратилиши ва қўлланилиши демак" [Серль 1986: 151]. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, гап белгисининг маълум шароитда яратилиши ва ишлатилиши нутқий актдир ҳисобланиб, у лисоний мулоқотнинг асосий ва энг кичик бирлигидир. Биз ҳам ушбу фикрга қўшилган ҳолда "Нутқий актлар назарияси учун гап таянч бирлик эмас ва ундан "тайёр материал" сифатида фойдаланилмайди. Аксинча, гап айнан нутқий мулоқот жараёнида яратиладиган ҳодиса. Шу боис, нутқий акт мазмуни тўлиғича сўзловчининг мулоқот мақсади билан боғлиқ бўлиб қолади" [Сафаров 2008: 73] деб таъкидлаймиз. Ҳақиқаттан ҳам, маълум бир мулоқот интенциясини ифодалаш учун сўзловчи доим ҳам айни бир лисоний бирликдан фойдаланмайди. Коммуникатив муҳит, нутқ субъектларининг ижтимоий-психологик хусусиятлари, ижтимоий иерархик зинапоядаги ўрнини ҳисобга олган ҳолда иллокутив ҳаракат турли ҳилдаги локутив актлар орқали тилда ифодалантирилади.

Барча прагмалингвист олимлар билан бир қаторда, биз ҳам нутқий акт мазмунини лисоний ва нолисоний хусусиятлар жамланмаси ташкил этишини эътироф этамиз. Нутқий актлар назариясида нутқий ҳаракатлар локутив, иллокутив ва перлокутив актлардан иборат уч босқичли тузилма сифатида намоён бўлади (Остин 1986: 92-93). Буни барча тилшунос олимлар бир овозда тасдиқлайдилар. Бу борада Эскандел қуйидаги фикрни билдирган: "Нутқий актларга уч босқичли фаолият сифатида қараш фақатгина назарий ҳисобланади, чунки ҳар учала актнинг воқеланиши бир пайтнинг ўзида кузатилади: нутқий актни талаффуз этар эканмиз, бу фаолиятдан аниқ бир мақсадни кўзлаган бўламиз ва аниқ натижаларга эришамиз. Лекин уларни фарқлаш жуда қизиқарли ва муҳимдир, чунки уларнинг ҳар бири турли хил, бир биридан фарқ қилувчи хусусиятларни ўз ичига олади: локутив акт маънога эга; иллокутив акт кучга эга; ва перлокутив актга таъсир хусусияти хосдир"(Escandel 2004: 58).

Мулоқот жараёнида мазмундор лисоний калима яратилади ва унинг талаффузи орқали нутқий фаолият бажарилади, айнан ушбу фаолият ижроси локутив акт ҳисобланади. Демак, локутив акт (лотинча locution – "гапириш") – маълум бир маънога эга аниқ бир лисоний калиманинг талаффузи, сўзлашув акти экан, унга хос бўлган хусусият бу - аниқ бир маънонинг мавжудлигидир. Агар маълум бир сабабларга кўра (тил билмаслик ёки гунг бўлишлик) мазмундор калима тузилмаса ва талаффуз этилмаса, локутив акт бажарилмаган ҳисобланади (Сафаров 2008: 75). Масалан, *Tengo mucho frio* нутқий тузилмасининг талаффуз этилиши локутив ҳаракатнинг бажарилиши ҳисобланади.

Кўп вақтлар давомида тилшуносликда нутқий актнинг айнан локутив аспектини ўрганишга асосий эътибор қаратилиб, нутқий тузилма воқеланган вазият ҳисобга олмаган ҳолда, фонетика уларнинг просодик томонларини, лексикология – луғат таркибини, семантика эса лисоний бирликларнинг объективликка боғловчи томонларини тасвирлаб келган. Бугунги кунга келиб нутқий тузилмага этнопоцетрик нуқтаи назар билан қараш, нутқий актни мулоқот матнида воқелантирувчи этнопрагматик омилларни таҳлил қилишга бўлган эҳтиёж ҳақли равишда ортиб бормоқда.

Адабиётлар рўйхати

1. Остин Дж.Л. Слово как действие // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17. Теория речевых актов. – М.: Прогресс, 1986. – С. 22-130.
2. Серль Дж. Р. Косвенные речевые акты / Дж.Р. Серль // Новое в зарубежной лингвистике: Вып. 17. Теория речевых актов. – М. Прогресс, 1986. – С. 204-208.
3. Сафаров Ш.С. Прагмалингвистика. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 286 с.

4. Escandell V., María V. Aportaciones de la pragmática. En: Sánchez L.J., Santos G. I. (eds.), Vademécum para la formación de profesores. Enseñar español como segunda lengua (L2)/lengua extranjera (LE). – Madrid: SGEL, 2004.

СИМВОЛИКА КРАСНОГО ЦВЕТА В ОПИСАНИИ АНТРОПОЦЕНТРИЧЕСКИХ ХАРАКТЕРИСТИК В АНГЛИЙСКОМ, УЗБЕКСКОМ И КАРАКАЛПАКСКОМ ЯЗЫКАХ

Ходжалепесова И.М. КарГУ. Нукус.

Abstract. The article investigates semantic and connotative meaning of English, Uzbek and Karakalpak lexemes and phrases with symbolic of red colour, compares them, makes out similarities and differences in compared languages.

Key words: symbolic, red colour, human, psychological condition, blood, life, lingual culture.

Красный цвет во многих языковых культурах связан с символом жизни, поскольку красный цвет – цвет крови, а значит и жизни: *as red as blood* – кроваво-красный, красный, как кровь. Даже флаг нашей страны содержит две красные полоски, которые обозначают жизнь. В символическом изображении Стратегий действий по развитию нашей республики на 2017-2021 также присутствует красный цвет, обозначающий защиту социальной сферы людей, т.е. условий их жизненного существования. В китайской культуре красный цвет считается символом счастья. В каждом доме, учреждении, ресторане и т.п. имеются красные фонари, выполняющие функцию люстры. Они не только освещают и украшают помещения, но и, согласно китайским поверьям, приносят счастье и защищают от нечистых сил.

Красный цвет также является символом любви. Думается, что сердечки красного цвета обозначают любовь во многих культурах. Красный цвет считался цветом королевской семьи. Ещё с древних времён короли и императоры носили красную одежду, символизирующую их власть и силу. До сих пор красный цвет считается элитным цветом, обозначающим силу и мужество в английской лингвокультуре: *red blood* – физическая сила, мужество, смелость [Насруллаева 2018: 91].

В английском языке красный цвет выражается, в основном, лексемой *red*, в узбекском языке лексемой *қизил (қип-қизил)*, а в каракалпакском языке лексемой *қызыл*. В английском языке различные оттенки красного цвета также передаются лексемами: *scarlet* – алый, *crimson* – багровый, *ruby* – рубиновый, *cherry* – ярко-красный, вишнёвый, *bloody-red* – кроваво-красный, *fire-red* – огненно-красный. В узбекском языке аналогично существуют оттенки красного цвета, которые передаются лексемами: *алвон* – алый, пунцовый, ярко-красный, алый, *қирмизи* – красный, алый, *пушти* – розовый, *олов ранг* – огненный, *оч қизил* – светлокрасный, *тўқ қизил* – тёмнокрасный, бордовый. Эти оттенки широко используются для описания, в основном, внешних характеристик человека: *cherry cheeks* – красный щёки, *олов рангли соч* – красно-рыжие волосы, *пушти ранг лаблар* – розовые губы.

Следует отметить, что символика красного цвета – положительная в английском языке. Так, помимо вышеперечисленных обозначений, этот цвет также символизирует здоровый вид лица: *(as) red as cherry* – румяный, с румянцем во всю щеку, кровь с молоком [Кунин 1967: 748]. Здесь подразумевается естественный цвет лица. В узбекском языке в таком же значении используются выражения *қип-қизил мағиздек* – с румянцем на лице, *оқи-оқ, қизили-қизил* – кровь с молоком. В словаре М. Садыковой прилагается дополнительная информация к этим оборотам: “қизил юз соғлом одам ҳақида” – о краснощёком здоровом человеке [Садыкова 1994: 38].

Если же цвет человеческого лица приобретает красноту от какой-либо новости, сильных волнений или чувства стыда, у англичан используются выражения *(as) red as a lobster* – красный, как рак и *(as) red as a turkey-cock* – красный, как индюк [Кунин 1967: 748]. В каракалпакском языке фигурируют выражения, подчёркивающие на связь красного цвета с чувством стыда: *бет қызарып кетти* – щёки горят, *уялганнан қызар* – сгореть со стыда [Баскаков 1958: 420].

Н.Б. Бахилина описывает лексему «красный» с точки зрения её первичного значения, установления красной цветовой семантики и возникновения производных смыслов, проявляемых в различных сочетаемостных условиях [Бахилина 1975: 31].

Несмотря на положительную энергетику, красный цвет может использоваться для описания негативных характеристик человека. Так, выражение *see red* (или *scarlet*) описывает психологическое состояние человека и используется по отношению к пришедшему в ярость, в бешенство человеку [Кунин 1967: 803]. Считается, что красный цвет повышает кровяное давление, частоту пульса, активизирует эмоциональное состояние. Отсюда следует, что ярость и бешенство описываются с

красным цветообозначением и связано это, видимо, с покрасневшим цветом лица пришедшего в ярость человека. В узбекском языке такого человека называют *қизиқ қон одам* – горячий, вспыльчивый человек [Садыкова 1989: 308]. С обозначением ярости и гнева человека в каракалпакском языке используются лексемы и выражения: *қызаралма* – краснеть, кипеть, горячиться, злиться; *қызарыс* – раскраснеться, горячиться, распетушиться; *қызарт* – злить, заставить покраснеть [Баскаков 1958: 420].

Негативной коннотацией обладает и выражение *catch (*или *take) somebody red-handed* – застать кого-либо на месте преступления, захватить кого-либо с поличным [Кунин 1967: 749]. Похожим значением обладает каракалпакское выражение *қолды қанға бояп қызарт* – обагрить руки кровью [Баскаков 1958: 420]. Узбекское выражение *қизил устида* имеет два значения: 1) вовремя, в своё время, пока не поздно; 2) сгоряча, под горячую руку [Садыкова 1989: 308].

В узбекском языке красный цвет означает также хвастливость и красноречие: *қизил сўз (одам)* – всезнайка, хвастун, любящий говорить лозунгами человек [Садыкова 1989: 308], причём данный фразеологизм регистрируется с пометой «неодобр.». Глупца в узбекском языке номинирует выражение *қип-қизил аҳмоқ* – (букв. красный дурак) полный дурак.

Очень интересным является то, что красный цвет (впрочем и другие цвета) может обозначать профессиональную занятость человека: *red coat* – английский солдат; *the red-coated gentry* – британские солдаты; *red tab* – (воен. жарг.) штабной офицер [Насруллаева 2018: 92].

Такой необыкновенно разнообразной семантикой обладает символика красного цвета, имеющая как сходства, так и различия в сравниваемых языках.

Литература:

1. Бахилина Н.Б. История цветообозначения русского языка. – Москва: наука, 1975. – 545 с.
2. Каракалпакско-русский словарь. Под редакцией проф. Н.А. Баскакова. – Москва: Государственное издательство иностранных и национальных словарей, 1958. – 890 с.
3. Кунин А. В. Англо-русский фразеологический словарь. – Изд. 3-е, испр., в двух книгах. – Москва: СЭ, 1967. – Т.1. – 738 с.; Т.2. – 739-1264 с.
4. Насруллаева Н.З. Англо-русско-узбекский словарь гендерно маркированных фразеологических единиц (Инглиз-рус-ўзбек гендер белгили фразеологик луғати). – Тошкент: Наврўз, 2018. – 112 б.
5. Садыкова М. Краткий узбекско-русский фразеологический словарь. – Ташкент: Главная редакция Узбекской Энциклопедии, 1989. – 336 с.
6. Садыкова М. Краткий русско-узбекский словарь устойчивых выражений. Қисқача русча-ўзбекча барқарор иборалар луғати. – Ташкент: Ўқитувчи, 1994. – 96 с.

THE MORPHOLOGICAL STRUCTURE OF ARABIC WORDS IN “QISASI RABGUZI”

Sagdullaeva D.K., International Islamic Academy of Uzbekistan, Tashkent

Key words: Arabic borrowings, word formation, formative endings, morphological structure, noun, verbs, auxiliary words.

In contemporary globalization process the deep study, profound comprehension and wide popularization of our great ancestors’ masterpieces and invaluable contribution to the development of the whole world civilization is of great importance. In this case the investigation of morphological peculiarities of Arabic borrowings from the viewpoint of Arabic linguistics of the manuscript by our great ancestor Nosiruddin Burhonuddin Rabguzi – “Qisasi Rabguzi” is considered as significant means in reflecting the language features of the works of ancestors. As the given manuscript was written on the basis of islamic sources, there were used lots of arabic borrowings. The determination of word formation ways of arabic words and their status in Turkic language is very important in exploration of the history of Uzbek and Arabic linguistics.

It’s known that Arabic and Uzbek languages are different from morphological aspect [Kuznetsov 1954: 517]. Arabic language belongs to flective, and Uzbek to agglutinative languages. The words and phrases in Arabic are enforced through the interior flection, then in Uzbek language are formed by affixation [Serebryannikov 1965: 12]. Every form of the word that differs from grammatical meanings is a word form. The section that takes part in creating word forms and gives various grammatical meaning is considered as morphological composition of a word [Zoubir Dendane 2007: 76]. In morphological composition of a word there is a basis and means of form creation, and due to the participation of a multiple-form affix in the word form its morphological structure becomes complicated. In arabic language a word and its forms are formed

on the basis of specific means, and each grammatical category has its own so-called model- *vazn* (formula). Zahiriddin Mukhammad Babur in his work devoted to Aruz, says that term "*Vazn*" is used for units of measure and tense. These measures are not studied in the linguistics.the measure of a word is a point for discussion between "sarfiy" and "aruz" scholars [Bobur 1971: 30-31]. In Arabic language **"As-sarf"** is a science that studies the words, which is compatible with morphology. As many words in arabic language are formed from the three-consonant stem verbs, the expression of a word and its forms' composition through this way is the most appropriate. B.M.Grande gives the following means of word formation [Grande 2001: 100-102]:

1) *with the assisstance of affixes.* They are: prefix, suffix and infixes. In the object of our investigation we can deliver the following samples, which are formed through this way. In a word ***"mamlakatun"*** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 137r/3[1]] there is a prefix "*ma-*", in ***"maalikun"*** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 139r/8] there is an infix"*-a-*", in "***malaktu***" there is a suffix "*-tu*".

2) *through doubling of one of the stem consonants.* For example: a word "***musahhar***" [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 139v/7] is formed from the stem "*shr*" and means "*charm, charming*". A word "***musahhar***" is formed from doubling of medieval consonant of the stem of "*shr*". The words "***Mukhammad***" [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 139v/7], "***maroshsha***" are formed through doubling of second consonant of the stem of **"hmd"** and **"rsha"**. There are many samples of such kind of words in the "Qisasi Rabguzi".

3) *through means of inner flexion*. A new word is formed through the change of consonant movement of the stem. In the "Qisasi Rabguzi" the words ***malik*** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 137r/3] and ***mulk*** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 137r/8] were formed through the stem **"mlk"** by means of inner flexion. The word ***"Malik"*** is formed by putting vowel ***"a"*** (*fatha movement*) after the first stem consonant and vowel ***"i"*** **(*kasra movement*)** after second stem consonant. Usually, in the word formation process of Arabic language can be used two or at the same time three above mentioned means. The complex of those means in each word can be considered as a formula for the similar words of different stem [Grande 2001: 100-102].

For example: we can easily form from the active participle to the Stem 1 –**"failun"** the words like **"qadirun"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 163r/5], **"kafirun"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 162r/7],**"ashiqun"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 35v/2]. In the investigated manuscript there are many Arabic words, which were formed on the basis of different *vazns*. In *vazn* "**Fa'lun" "hamdun"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 1v/2], **"qavlun"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 1v/2],] **"sadrun"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 2r/7], **"badrun"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 2r/8], **"a'qlun"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997:, 2v/2], **"madhun"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 2v/3], **"robbun"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 2v/9], **"tom'un"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 17r/19], **"xamrun"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 17r/19], **"rahmun"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 17v/2]; in *vazn* **"mufa'alun" - "Mukhammadun"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 15r/18]; in *vazn* "**fu'laanun**"- **"qurbaanun"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 15r/19]; nzav ni **"fa'uulun"- "qabuulun"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 15r/21]; in vazn "**fa'iilatun" -"sharii'atun";** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997:,15v/5]; in vazn **"fi'aalatun**"- **"xiyaanatun"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 16r/19], **"qiyamatun"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 15r/21]**;** in vazn **"fa'latun" - "shafqatun",** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 16v/8], **"la'natun"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 16v/5]; in vazn **"taf'iilun"** - "ta'liimun" [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 16v/8] are met in various grammatical forms. Arabic grammarians divide and study Arabic words in three big groups:1. *Al Ism* 2. *Al-fi'lu (verb***)** 3.*Al-harfu* (auxiliary words) [Nosirova 2005: 107-108]. In arabic language *Al Ism* (part of speech) includes noun, adjective, numerals, pronoun, adverb, masdar and participle. Makhmud Zamakhshariy gives the following definition for *Al-Ism* (part of speech): ***" Al - Ism can be a subject of the sentence, take preposition, included into genitive case structure, put into definite state and take tanvin"*** [Nosirova 2005:107-108]. The contemporary Arabic linguist Antoinne-ad-Dakhdakh give the following definition to *Al-Ism* (part of speech):

[Antoinne-ad-Dakhdakh 1992: 27-30 -***" Al-Ism are the words which has no relation with the tense, and implies to some meaning. It has 2 types, which can conjugate or not in the Case."***; V.Girgas says: "***Truly saying, Al-Ism has affix of possessive case, managed by another noun in possessive case, put into concrete state with the definite article" -al", takes tanvin and of course, can be a subject of the sentence***

[1] The page of manuscript and row line

[V.Girgas 1873: 52]**.** We can give the following samples of *Al Ism* (part of speech), being used in the text of manuscript "Qisasi Rabguzi": **"malik"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 140 r/17], **"shahr"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 41r/7], **"mulk"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 141r/18], **"xabar"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 142r/9] , **"ni'mat"** [9,142r/11], **"shukr"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 142r/18], **"kalaam"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 142r/18], **"du'a"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 142r/19]", **"qado"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 142v/7], **"rido"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 142r/7], **"zohir"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 142v/18], **"da'vat"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 142v/18].

In Arabic language the *Al-Ism* (part of speech) has the categories of gender, number, case and modifier. These categories are kept in quoted phrases and sentences, including the names of person and their given popular features, which are taken from Islamic sources. Besides, in the part which was mentioned in the beginning of the manuscript in phrases***"taj-ul-umaro"-"the crown of emirs", "muhibb-ul-ulamo"-"the favourite of scholars","basharallohu a'la dini-l-Islam"-"the praiser of Allah for Islam religion"*** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997:v/1,2,3]- the definite article "al" of the genitive case structure is kept. The Arabic words like: "Niyyat", "zot", "islom", "din", "odamiy", "mu'min","aql" were used with the existing grammatical categories of Turkic language. The above mentioned words as: "Niyyat", "zot", "islom", "din", "odamiy", "mu'min","aql" belong to the noun borrowings.

As is known, the noun is a part of speech that names a person, animal, thing, idea. In Arabic language the gender of the noun doesn't change, and can be Muzakkar (masculine) and Muannas (feminine) gender [Grande 2001: 116-120]. As there are no gender categories in Turkic and Persian -Tajik languages, the words borrowed from Arabic language as: **"da'vat"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 142v/18], "ni'mat" [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 142r/11], "**sharii'at**" [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 15v/5], **"xiyanat"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 16r/19], **"qiyamat"** [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 15r/21]) are taken, keeping the symbol of Muannas gender– "Taun Marbuta". But this symbol of Muannas gender– "Taun Marbuta" has no validity as a grammatical category.

The noun in Arabic language is divided into animated and inanimated types due to who or what that type means. To the nouns of animated type belongs the nouns meaning the names of men, and to the nouns of inanimated type the nouns which means objects or things. In our object of investigation we can meet lots of Arabic borrowings of the Noun. For example: the words like: "maalikun" (king) [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 140 r/17], "tobbaxun" (cook) [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 138r/13] means animated noun, then the words like: "hamdun" [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 1v/2],"qavlun" [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 1v/2], "sadrun" [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 2r/7], "badrun" [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 2r/8], "a'qlun" [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 2v/2] can be the samples for the inanimated noun. According to the classification of Makhmud Zamakhshariy, there are 12 types of names. For instance, the definition of proper and common nouns is the following:

" Common nouns can be of 2 forms: 1. the words with concrete meaning; 2. the words with concrete names' meaning. The majority of proper nouns are formed with the help of common nouns. For example, a word "Ja'far" can be formed from a verb; a word "Yazid" can be fiction; a word "G'atafan" as well [Nosirova 2005: 108] . the words given in the manuscript, like: "a'shiqun" (beloved)[Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 35v/2], "xamrun" (wine)[Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 17r/19] has concrete meaning, while other words like: "shahr" (month) [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 141r/7], "xabar" (information) [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 142r/9], "kalaam" (sentences) [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 142r/18], "du'a" (blessing)[Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 142r/19], "a'qlun" (intelligence)[Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 2v/2] has abstract meaning. It should be mentioned that in the researched work the number of Arabic borrowings of abstract meaning override the number of concrete meaning borrowings. There are many proper nouns of name and pseudonym of men, geographic denominations in the "Qisasi Rabguzi" like: Suleyman ibn Davud [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 137r/4], Azrail [Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi 1997: 137r/5] and etc.

As compared with Turkic language, in Arabic language there are 3 grammatical categories of numerals, and in the object of our investigation were used the Arabic borrowings formed from the singular nouns together with regular and irregular plurals. For instance, a word "qisas" (stories) is an irregular plural form of a word "qissa" (story) and used for the title of the manuscript. The mostly used in the book Arabic borrowings: ***afa'ilu, mafa'ilu, fia'lun, fa'alilu*** are formed by irregular plural *vazns*.

Summing up, we can say that the scientific research of vocabulary of the "Qisasi Rabguzi" is mainly consists of borrowings, belonging to the Al-Ism (part of speech), and majority are formed by affixation and inner flexion. The arabic borrowings, mainly formed from Masdar and Participles either met in the quoted text or Turkic text. While the words introduced in the quoted texts have kept the arabic grammatical categories, the words introduced in Turkic text made compatibility with the existing categoriesof the sourcce language.

The list of used literature

1. Antoinne ad-Dakhdakh. Mu'jamu al-qavaid al-arabiyya a'lamiyya. Beyrut, 1992. - 39 p.
2. Boeschoten H.E., O'Kane J. Al-Rabghūzī. The Stories of prophets. Boston, 2005. – P. 592.
3. Bobur.Z.M. Muxtasar.– T.: Fan,1971. – B.30-31.
4. Girgas V. Ocherk grammaticheskoy sistemi arabov.SPb., 1873. –S52.
5. Grande B.M. Kurs arabskoy grammatiki v sravnitelno-istoricheskom osveshenii. –M.,2005. – B.100-105.
6. Kees Versteeg. The Arabic Language . Edinburgh, 1997. –P. 90.
7. Kuznetsov P.S. Morfologicheskaya klassifikatsiya yazыkov. MGU. –M, 1954. – S.516-539.
8. Nāsirüd-din bin Burhanüd-din Rabguzi. Kisasül–enbiya. I cilt. – Ankara,1997. – 616 s
9. Nosirova M. Mahmud Zamaxshariyning "Al-Unmuzaj fi-n-nahv" risolasi. –T.: ToshDSHI, 2005. – B.107-121.
10. Serebrennikov B.A. Prichini ustoychivosti agglyutinativnogo stroya i vopros o morfologicheskom tipe yazika. // Morfologicheskaya tipologiya i problema klassifikatsii yazikov. – M-L.: Nauka,1965. – S.12.
11. www.researchgate.net. Zoubir Dendane. An Overview of Verb Morphology in Arabic.

ТИЖОРАТ МУЛОҚОТИДА ОЛМОШЛАРНИНГ ЎРНИ

Холисова Г., таянч докторант,
Юлдашева Ш., талаба. АнДУ

Annotation: This report describes the place of pronouns in the process of communication and peculiarities in their application in the business process. Specific examples prove theoretical conclusions.

Key words: word, pronoun, business, communication, language picture of the world

Олмошлар анъанавий тарзда сўз категориясига киритилса-да, уларнинг маъно имкониятлари бошқа мустақил сўзларникидан тубдан фарқ қилиши маълум. Дейктик табиатига қарамай, олмошлар ҳам муайян когнитив ва психологик хусусиятлари билан ўзбеклар оламнинг лисоний манзарасида алоҳида ўрин тутади. Ўзбеклар шахсга ишора қилувчи олмошларнинг психолингвистик тавсифига жуда ҳушёрлик билан ёндашадилар. Когнитив нуқтаи назардан олмошлар ишора қилинаётган предмет тавсифининг икки бир бирига қутбий тавсифига ишора қила олади: нарса ҳақида маълумотнинг йўқлиги(анави нарса нима?), нарса ҳақида маълумотнинг конситуация аъзолари учун келишилганлиги, маълумлиги(анави нарса борми?). Албатта, дискурс хусусиятларидан келиб чиқиб олмошларнинг мазмун имкониятлари ҳам кенгайиб бораверади. Бироқ психологик омилни етакчи қилиб қўювчи дискурслар ҳам учрайди. Масалан, ***анави*** ва ***ана у*** олмошлари(олмошлар тизими) "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да ***"айнан"*** деб баҳоланади:

АНА **1** *кўрс. олм.* Кўз ўнгида турган, ўзидан нарироқда бўлган нарсани ёки юз бераётган воқеа-ҳодисани кўрсатишда ишлатилади. *-Аҳмад қани? — Ана, келяпти.*

Ана у *айн.* **анави.** *Мен ана у сўқмоқдан юрсам ҳам бўлади.* А. Қаҳҳор, Хотинлар...

АНАВИ 1 *кўрс. олм.* Ўзидан наридаги, тилга олиб ўтилган, ўтган нарса, ҳодисаларни кўрсатади, унга ишора қилади. *[Давлатёр] Элмуродни туртиб: -Мен сизга айтган қизни кўрсатайми ? Ҳў, анави, ўртадаги.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Отабек... гарангсиган қиёфада. Анавилар [Зиё шоҳичи ва унингўғли Раҳмат] ўзларини бирмунча тетик тутмоқ-да эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Гапираётган вақтда кўз олдида йўқ, назарда тутилаётган шахс, нарса ва ш.к.га ишора қилади. *Буни Отабек пайқамаган бўлса ҳам.. анави гапнинг аниқ шу мажлисда очилишига кўзи етиб, чиқиб кетишнинг иложини қилолмади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Анави куни мендан хафа бўлдингиз-а...* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2006:90-91]

Бироқ жонли мулоқот жараёнида ***ана у*** ва ***анави*** олмошлари турлича тусга эга. Қиёсланг: У яна келди(бефарқ муносабат). Анави яна келди(салбий муносабат). Бу хил матнларда айнан деб баҳоланганига қарамай, ***ана у*** қатнаша олмайди. Шахс ва предметга нисбатан олмошларни қўлланилиши матннинг умумий тусига таъсир ўтказади. Ўзбеклар лисоний онгида ишора қилувчиларни қўллашнинг ўзига хос бир қатор вазифалари мавжуд. Олмошлар тил бирликлари бажариши мумкин бўлган, юқорида санаб ўтилган деярли барча вазифаларни бажариши мумкин.

Бундай вазифаларни бажариш жараёнида уларнинг категориал боғланишлар тизими ҳам ўзига хослик касб этади. Масалан, дунёнинг кўплаб тилларида инсоннинг исмини қўллаш алоҳида эътибор ва ҳурмат рамзи ҳисобланади – ижобий баҳоланади. Дейл Брекенриж Карнегининг “Инсонларни оғдириб олишнинг олти усули” китобидан олинган қуйидаги парчага эътибор қилсак: “Франклин Делано Рузвельт инсонларни ўзига оғдириб олишнинг энг содда, аммо самарадор ва аҳамиятли йўлларидан бири исмларни эслаб қолиш ва инсонга ўзининг аҳамиятли эканлигини ҳис қилиш имконини бериш эканлигини билган” [Карнеги. Greatwords.org^authors\218]. Ўзбеклар ҳам исм қўллашга деярли шу тарзда муносабатда бўладилар. Бироқ айрим конситуациялар борки, исмдан кўра дейктик сўз – олмошлар афзал кўринади. Масалан, раҳбар ёки ҳурматли одамларга нисбатан исмни қўллашда алоҳида ёндашув лозим. Қиёсланг: Шокир келди – Ўзи(шахсан) келди. Ёки ўзбекларда эр-хотинлар бир-бирларининг исми ўрнига олмош қўллайдилар: у айтди, бу қани… Бундай ҳолларда олмошларнинг категориал тааллуқлиги ўзгариб, оламнинг лисоний манзарасини шакллантиришдаги ўрни ортади.

Тижорат жараёнида олмошларнинг қўлланиши ўзига хослик касб этади. Тижоратчилар мулоқот жараёнида харидорни ўзига жалб қилиш учун сизлаб мурожаат этадилар. Тижоратчи ўзини ифодалаш учун *биз, ўзимиз* каби олмошлардан фойдаланади: *Бизга бу нарх тўғри келмайди. Ўзимиз ҳам бу нархда олмаганмиз.*

Юқорида кўриб ўтганимиздек, кўрсатиш олмошларининг қўлланишидаги ўзига хосликлар тижорат мулоқотида ҳам ўз аксини топади: *Бу нарса асл мол-да. Анавиниси бироз арзонроқ.*

Адабиётлар:

1.Бушуй Т., Сафаров Ш.Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. - ЎзРФА «Фан» нашриёти, 2007. – 278 б.

2.Карнеги Д. Шесть способов распологать к себе людей. Greatwords.org^authors\218

3. Лингвистический энциклопедический словарь. – Москва, “Советская энциклопедия”, 1990.

4.Маҳмудов Н. Оламнинг лисоний манзараси ва сўз ўзлаштириш// Ўзбек тили ва адабиёти. 2015. №3. – Б.3-12.

5.Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006. - 680 б.

ТИЛ КОРПУСЛАРИНИ СИНТАКТИК РАЗМЕТКАЛАШНИНГ ЛИНГВИСТИК АСОСЛАРИ

Менглиев Б., ф.ф.д, профессор
Алишер Навоий номидаги ТДЎТАУ
Хамроева Ш., PhD БухДУ

Key words: syntactic tag, tag, word combination, idiom, simple expression, joint sentences, direct speech.

Annotation. This article provides the basics of syntactic tag, word combination, phrase units, simple sentences, compound sentences, the principles of direct speech and the samples of syntactic tags. An automatic tag Program of text provides general information about the structure of the parsing.

Кириш. Синтаксиснинг асоси – гап ҳақидаги таълимот. Гап аслида сўзнинг эркин бирикувига ҳам асосланганлиги туфайли сўзнинг боғланиш қонунияти, сўз бирикмаси ҳам синтаксисда ўрганилади. Сўз бирикмасини ўрганиш гап таълимотининг таркибий қисми, ундан ажратилган ҳолда қаралиши мумкин эмас. Синтаксис сўзнинг ҳар қандай бирикувини эмас, балки ҳоким-тобелик муносабатига киришган эркин нутқий бирикувнинг лисоний моҳиятини текширади. Қайсидир йўсиндаги сўзнинг бирикуви бўлган қўшма сўз (*учбурчак, эртапишар, сотиб олмоқ*), фразеологик бирлик (*илоннинг ёғини ялаган, кўнгли бўш*) синтаксиснинг тадқиқ доирасидан четда қолади. Чунки улар эркин боғланишга эга эмас. Демак, синтаксиснинг асосий бирликлари: сўз бирикмаси, гап [Sayfullayeva 2009: 5].

Синтактик теглаш – матннинг синтактик таҳлилига асосланган теглар мажмуи, морфологик таҳлилга асосланилган парсинг натижаси. Разметканинг бу кўриниши лексик, бошқа турли синтактик қурилмалар (содда гап, қўшма гап, кўчирма гап ва ҳ.), бирликлар орасидаги синтактик алоқани кўрсатади [Захаров 2011: 1].

Асосий қисм. Илк корпусларни яратишда семантик разметкалаш ноавтоматик бўлса, кейинги авлод корпуслари семантик разметкаси парсинг дастури асосида, автоматик, яримавтоматик тарзда амалга оширилган. Ўзбек тили учун таггинг (рус. теггер), парсинг (рус. парсер) дастурлари яратилмаган. Корпус тузиш тажрибаси синтактик разметканинг турли усуллари борлигини кўрсатади.

Улардан бири гапда сўзлар боғланишининг шажара усули бўлса, иккинчиси матн бирликларига синтактик тег бириктириш орқали амалга ошади.

Синтактик теглашнинг иккинчи кўриниши белгили теглаш, бу жуфт ҳолда келувчи очилувчи, ёпилувчи теглар [Кутузов 2011:2]. Масалан, <СГ>*Сотиболдининг хотини оғриб қолди.* </СГ>. <СГ> очилувчи, </СГ> эса ёпилувчи тег. Ёпилувчи тег очилувчи тег бераётган маълумотнинг тугаганлигини билдиради. Теглар ичма-ич жойлашиши мумкин: <СГ> *Буларнинг ҳаммаси,* <к> *албатта,* </к> *пул билан бўлади.* </СГ>

Матнни синтактик разметкалаш учун сўз бирикмаси ҳамда гапнинг турли таснифлари асосида теглар мажмуи шакллантирилмоғи лозим. Синтаксиснинг предмети гапда сўзларнинг боғланиши ҳамда гап экан, синтактик разметкадаги теглар ҳам мазкур муаммо билан боғлиқ бўлиши табиий. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, синтактик тег ҳам синтаксиснинг энг асосий бирликлари - сўз бирикмаси, гап ҳақидаги тег бўлади.

Сўз бирикмаси синтактик разметкаси теглари. *Сўз бирикмаси* билан боғлиқ тег сўзларнинг бирикиш усуллари ҳақидаги маълумотни берувчи изоҳдан иборат бўлади. Бу изоҳ сўзларнинг ўзаро битишув, мослашув, бошқарув усули билан бирикканлигини билдиради. Сўзларнинг ўзаро бирикиш усулини шажара ёки занжирсимон таҳлил асосида разметкалаш қулай.

Сўз бирикмаси ҳақидаги кейинги изоҳ ҳоким аъзоларнинг ифодаланишига кўра СБ турлари таснифига асосланиб, исмли бирикма, феълли бирикма каби турларга ажратилиб, шу мазмундаги ахборот билан таъминланади. Масалан: <Сотиболдининг хотини> [исмли бирикма].

Сўз бирикмасига бириктириладиган яна бир маълумот СБнинг тузилишига кўра туридан келиб чиқиб, бирикмани содда СБ, мураккаб СБ эканлигини ифодаловчи изоҳ билан таъминлаш талаб қилинади. Масалан: <Сотиболдининг хотини> [содда СБ]; <баланд, чиройли оқ иморат> [мураккаб СБ].

Сўз бирикмасини разметкалаш тамойилларини ишлаб чиқиш кейинги ишларимизнинг тадқиқ предмети бўлади.

Содда гап синтактик разметкаси теглари. Матн синтактик разметкасининг энг катта ахборот базасини ташкил этувчи изоҳлар гап қурилишига оид маълумотлар йиғиндисидир. Гап синтаксиси гапни қайси жиҳатдан ўрганса, теглаш жараёнида шу белгиларнинг барчасини қамраб олиш ўринли. Чунки тузилган корпус кейинчалик синтаксис, бошқа бўлимлар билан боғлиқ турли тадқиқотлар олиб боришда маълумотлар базаси сифатида хизмат қилиши керак. Содда гап разметкаси учун теглар гуруҳини қуйидагича шакллантириш мумкин.

1. Гап билан боғлиқ энг биринчи тег гапнинг тузилишига кўра турини ифодаловчи изоҳдан иборат. Бу тег “содда гап” = <СГ>, </СГ>, “уюшган гап”= <УГ>, </УГ> ёки “қўшма гап” = <ҚГ>, </ҚГ> каби белгилардан иборат. **Теглаш кўриниши:**

3. ***<СГ>*** *Табиб қон олди.****</СГ>***

4. ***<ҚГ>****Абдуғанибой унинг сўзини эшитиб кўп афсусланди, қўлидан келса ҳозир унинг хотинини оёққа бостириб беришга тайёр эканини билдирди, кейин сўради:* ***</ҚГ>.*** Корпус қидирувида “содда гапни топиш” ёки “қўшма гапни топиш” буйруғи берилса, натижада танланган матннинг барча СГ ёки ҚГлари акс эттирилади.

2. Гапнинг ифода мақсадига кўра турини изоҳлаш ҳам теглардан бирини ташкил этади: “дарак гап” = <дг>, “сўроқ гап”= <сг>, “буйруқ гап”= <бг>. Бу теглар жуфт тег бўлишига ҳожат йўқ. Якка ҳолда қўлланса ҳам, ахборот бера олади. Чунки гапнинг тузилишига кўра тури гапни чегаралаган, шу чегара охирида ушбу маълумотни ҳам қўшиш мумкин. **Теглаш кўриниши:** *<СГ>Девонаи Баҳоваддинга ҳеч нарса кўтардингми?* ***<сг>,*** *</СГ>*

3. Гап лисоний қурилишида эганинг ифодаланиш ёки ифодаланмаслигига кўра “эгали гап” = <Е+>, “эгасиз гап” = <Е->; эгасиз гапларнинг “шахси номаълум гап” - <ш.н.г>, “атов гап” = <а.г>, “семантик-функционал шаклланган гап” = <с.фш.г> каби белгиларни қўшиш мумкин. **Теглаш кўриниши:** *<СГ>* ***“****Кўнгилга армон бўлмасин” деб “чилёсин” ҳам қилдиришга тўғри келди.* <дг>, **<Е->, <ш.н.г>**, *</СГ>.*

4. Бош, иккинчи даражали бўлакнинг иштирокига кўра “йиғиқ гап” = <йг>, “ёйиқ гап” = <ёг> каби изоҳ ҳам тег сирасидан ўрин олади. **Теглаш кўриниши:**

1. *<СГ>*Бемор оғирлашди. <дг>, <Е+>, **<йг>,** *</СГ>.*

2. *<СГ>*Шаҳарда битта докторхона бор. <дг>, **<ёг>**, <Е+>, *</СГ>.*

5. Гап билан грамматик алоқага киришмайдиган бўлакларнинг мавжудлиги ҳам изоҳ талаб қилади. “Ундалма” = <у>, </у>, “киритма” = <к>, </к> каби белгилар мажмуидан иборат бўлади; жуфт қўлланадиган тег. Чунки бу бирликнинг чегарасини кўрсатиш лозим бўлади. **Теглаш кўриниши:**

1. <СГ> Буларнинг ҳаммаси, **<к>** албатта, **</к>** пул билан бўлади. </СГ>

2. <СГ>, **<у>** Худоё **</у>** аямди дайдига даво бейгин <бг>, <Е+>, <ёг>, </СГ>.

Одатда, содда гап таҳлилида гап бўлаклари таҳлилига алоҳида эътибор қаратилади. Корпус лингвистикасида сўнгги корпусларнинг синтактик разметкаси гап бўлакларига оид изоҳ анъанаси йўқолди. Бу ҳар қандай корпус разметкасини соддалаштириш кераклиги нуқтаи назаридан келиб чиқди. Биз ҳам содда гапга оид теглар қаторини юқоридаги изоҳлар сираси билан якунлаймиз.

Уюшган гапнинг синтактик теглаш белгилари. Тилимизда битта умумий [P_m]га эга бўлган бирдан ортиқ [W]дан ташкил топган гап ҳам мавжуд: *Укам расм чизар ва синглим телевизор кўрар эди*. Бундай гап уюшган гап дейилади [Sayfullayeva 2009:5]. Бундай гапларни кесими уюшган содда гап ҳамда қўшма гаплардан фарқлаш лозим. Зеро, улар содда гап, қўшма гап орасида "оралиқ учинчи" мақомига эга. Шундай типдаги гапларга ҳам алоҳида изоҳ ёзиш мумкин: "уюшган гап"= <УГ>, </УГ>[1].

Қўшма гапнинг синтактик разметкаси. Қўшма гап содда гап билан мустаҳкам боғланган, бироқ ундан ҳам структур, ҳам узатилаётган ахборот миқдори, сифати нуқтаи назаридан фарқланувчи синтактик қурилмадир [Sayfullayeva 2009: 5]. Шу боис теглаш жараёни бундай бирликларга алоҳида ёндашувни талаб этади ҳамда алоҳида белги сифатида "қўшма гап" = <ҚГ>, </ҚГ> каби жуфт қўлланувчи тегни бириктиришни талаб этади.

Қўшма гапнинг боғловчи воситасига кўра "боғланган ҚГ" = <БҚГ>, </БҚГ>, "эргашган ҚГ" = <ЭҚГ >, </ЭҚГ>, "боғловчисиз ҚГ" = <Б-сиз ҚГ>, </Б-сиз ҚГ> турларини изоҳлаш бундай бирликларни ажратиш ҳамда изоҳлаш учун алоҳида белги вазифасини ўтайди. **Теглаш кўриниши:**

4. <Б-сиз ҚГ> *Аллақандай бир хотин келиб толнинг хипчини билан савалади, товуқ сўйиб қонлади...* **</Б-сиз ҚГ>.**

5. <БҚГ> *Сотиболди хўжайинининг олдига арзга борди, аммо бу боришдан муддаоси нима эканини аниқ билмас эди.* **</БҚГ>**

6. <ЭҚГ >, </ЭҚГ> . "Бемор" ҳикоясида ЭҚГ учрамаганлиги сабабли мисол келтирилмади.

Дарсликларда қўшма гап боғловчи воситасига кўра 5 турга:

7) қисмлари тенг боғловчи воситасида БҚГ;

8) қисмлари эргаштирувчи боғловчи воситасида БҚГ;

9) қисмлари боғловчи-юклама воситасида БҚГ;

10) қисмлари феъл шакллари воситасида БҚГ;

11) қисмлари нисбий сўз воситасида БҚГ;

12) қисмлари фақат оҳанг воситасида БҚГ бўлинади [Sayfullayeva 2009: 5]. Аммо корпус разметкасида юқорида кўрсатилган содда таснифдан фойдаланишни маъқул топдик.

Таркибидаги содда гапларнинг ўзаро мазмун-муносабати асосида боғланган ҚГ бир неча турга бўлинади ҳамда қуйидаги тег шаклига эга бўлади:

5) бириктирув муносабатли БҚГ = < б.БҚГ >;

6) зидлов муносабатли БҚГ = < з.БҚГ >;

7) айирув муносабатли БҚГ = < а.БҚГ >;

8) инкор муносабатли БҚГ = < и.БҚГ >.

Теглаш кўриниши: <БҚГ> *Шу кечаси ҳатто кўзини очиб, қизчасини ёнига тортди ва пичирлади:* **< б.БҚГ >, </БҚГ>.**

Бундан ташқари, субстанциал тилшуносликда қўшма гапнинг қурилишига кўра таснифланадиган [WP_m <—> WP_m] усулли ҚГ, [WP_m —> WP_m] усулли ҚГ, [WP_m , WP_m] усулли ҚГ турлари ҳам ажратилган. Шундай тегларни ҳам ишлатиш мумкин. Ушбу теглар алоҳида тадқиқот объекти бўлади. Ишни соддалаштириш мақсадида биз ушбу тасниф, изоҳдан ишнинг кейинги босқичларида фойдаланишни лозим кўрдик.

Қўшма гап қисмлари орасидаги функционал муносабатларга кўра турлари ҳам ажратилади, разметкада қуйидаги белгига эга бўла олади:

6) кесим тобе гапли ҚГ = <КҚГ>;

7) эга тобе гапли ҚГ = <ЭҚГ>;

8) ҳол тобе гапли ҚГ= <ҲҚГ>;

9) тўлдирувчи тобе гапли ҚГ = <ТҚГ>;

10) аниқловчи тобе гапли ҚГ = <АҚГ>. "Бемор" ҳикоясида ЭҚГ учрамаганлиги сабабли мисол келтирилмади.

---

[1] Мисолларнинг барчаси А.Қаҳҳорнинг "Бемор" ҳикояси матнидан олинган; бундай қурилишли гап ушбу ҳикояда учрамаганлиги сабабли мисол келтирилмади.

Мураккаб қўшма гапнинг синтактик белгиси. Нутқда иккидан ортиқ содда гапнинг боғланишидан тузилган ҚГ ҳам мавжуд. Айрим дарсликларда уч, ундан ортиқ содда гапнинг бирикишидан таркиб топган гап мураккаб ҚГ эканлиги таъкидланади [Махмудов 2016:3], қуйидаги турлари ажратилади:

5) бир неча эргаш гапли МҚГ;
6) бир неча бош гапли МҚГ;
7) аралаш МҚГ;
8) қисмлари уюшган МҚГ.

Айрим муаллифлар эса МҚГнинг бошқача таснифини таклиф қилади [Махмудов 2016:3]:

5) боғланиш йўли билан тузилган МҚГ;
6) эргашиш йўли билан тузилган МҚГ;
7) боғловчисиз тузилган МҚГ;
8) аралаш таркибли МҚГ.

Ушбу таснифда таснифланувчи гуруҳларнинг барчаси тўлиқ изоҳланмаганлиги сабабли биринчи таснифдан фойдаланишни лозим топдик, унинг тег кўринишини қуйидагича белгиладик:

5) бир неча эргаш гапли МҚГ = <э. МҚГ >, </э. МҚГ >;
6) бир неча бош гапли МҚГ = < б. МҚГ >, < /б. МҚГ >;
7) аралаш МҚГ = <а. МҚГ >, </а. МҚГ >;
8) қисмлари уюшган МҚГ = <у. МҚГ >, </у. МҚГ >.

Теглаш кўриниши: <у. МҚГ> *Кампир беморнинг тўзиган сочларини тузатди, у ёқ-бу ёғини силади, сўнгра... ўтириб йиғлади.* **</у. МҚГ>.**

Кўчирма гапнинг синтактик белгиси. Муаллиф ўз нутқида бошқа киши ифодалаган фикрдан ҳам фойдаланади. Бундай фикр кўчирма гап, ўзлаштирма гап, диалог шаклида берилади. Ўзганинг ҳеч ўзгаришсиз берилган гапи кўчирма гап эканлигини биламиз. Маълумки, кўчирма гап икки хил гапдан иборат бўлади: муаллиф гапи, кўчирма гап. Иккаласи биргаликда кўчирма гапли қўшма гапни ҳосил қилади [Менглиев 2007:4]. Матн синтактик разметкасининг яна бир муҳим аҳамиятли томони – унда кўчирма гапли қўшма гапнинг изоҳланиши. Бундай изоҳ учун қуйидаги теглар керак бўлади:

3) кўчирма гап = <КГ>, </КГ>;
4) муаллиф гапи = <МГ>, </МГ>.

Теглаш кўриниши: <КГ> *Бегуноҳ гўдакнинг саҳарда қилган дуоси ижобат бўлади, уйғотинг қизингизни!* **</КГ> - <МГ>** деди. **</МГ>.**

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, синтактик теглар мажмуини синтактик бирликларга қараб шакллантириш лозим. Теглар мажмуи сўз бирикмаси: исмли бирикма, феълли бирикма, содда ва мураккаб бирикма; содда ёйиқ, содда йиғиқ, қўшма гап, уюшган гап, кўчирма гап сифатида белгилаш мумкин. Ушбу теглар парсинг дастури учун лингвистик таъминот вазифасини ҳам бажаради.

Адабиётлар рўйхати

6. Захаров В.П., Богданова С.Ю. Корпусная лингвистика. – Иркутск: ИГЛУ, 2011. – С.46-48.
7. Курс "Корпусная лингвистика" (А.Б. Кутузов) Лицензия Creative commons Attribution Share-Alike 3.0 Unported (Электрон ресурс) - //lab314.brsu.by/kmp-lite/kmp-video/CL/CorporeLingva.pdf
8. Mahmudov N.M. va b. Ona tili. Umumta'lim maktablarining 9-sinfi uchun darslik. T.: Tasvir, 2016. – 126 b.
9. Mengliyev B., Xoliyorov O`. O`zbek tilidan universal qo`llanma. –T.:Fan, 2008. – 268 b.
10. Sayfullayeva R. va b. Hozirgi o`zbek adabiy tili. O`quv qo`llanma. – T.:Fan va texnologiya, 2009. – 416 b. – 284 b.

ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРЛАР МАСАЛАСИНИ ЎРГАНИШНИНГ АЙРИМ МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВЛАРИ

Хайдаров Д.О., СамДУ докторанти

Key words: city, methodology, interdisciplinary approach, classification, typology, geo-urban studies, urban settlements, economic regionalization.

The study of some methodological approaches of modern cities

Annotation: Based on a variety of literature, the article analyzes issues related to some methodological approaches to the study of the socio-economic life of modern cities. In particular, the author on this issue gives a special place to the interdisciplinary approach.

Ўзбекистонда тарих фанининг замонавий ривожланиш босқичи фанлараро методидан кенг миқёсда фойдаланишни талаб этмоқда. Айниқса бу ҳолат янги ва энг янги тарихнинг барча жабҳаларига дахлдордир. Фанлараро усул бир томондан, замонавий тарихнинг очилмаган қирралари, кўпчиликка маълум бўлмаган жиҳатларини ҳар томонлама ўрганишда ёрдам берса, иккинчи томондан, Ўзбекистон тарихини жаҳон ёки регионал жараёнлар билан уйғунликда тадқиқ этиш имконини беради.

XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб XXI аср бошларидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, шу жумладан, шаҳарлар тарихини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар, биринчи навбатда, турли фанлар (тарих, иқтисод, социология, сиёсатшунослик, география, демография ва бошқа фанлар) бирикмаси асосида олиб борилиши зарурлигини давр тақозо этмоқда. Инсоният тарихида айнан шу вақт оралиғи янги индустриал жамиятни юқори нуқтасига етган давр ҳисобланади, тараққий этган давлатларда эса XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб постиндустриал жамият ўтиш бошланди. Ривожланаётган давлатлар сафидан ўрин олган Ўзбекистонда индустриал жамиятга ўтиш кечроқ бошланди. Шуни ҳисобга олиб, ушбу даврда юз берган тарихий жараёнларни, жумладан, республика шаҳарларидаги иқтисодий-ижтимоий трансформацияларни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этиш имкони юзага келади.

Фанлараро ёндашувни талаб этадиган долзарб масалалардан бири бу шаҳарлар тарихи мавзуси, хусусан, саноат шаҳарларининг шаклланиш ва ривожланиш тарихидир. Мавжуд адабиётлар шундан далолат берадики, ушбу мавзу асосан географлар, иқтисодчилар ва тарихчилар томонидан ўрганилиб келинмоқда.

Шуни қайд этиш зарурки, шаҳарлар мавзусига оид тарихчи олимлар томонидан яратилган бир қанча илмий тадқиқотлар, биринчидан, саноат шаҳарлари мавзусини тадқиқот объекти сифатида алоҳида тадқиқ қилмаган, иккинчидан эса, уларда нарратив ёндашув руҳияти устун келиб, турли фанлар бирикмаси асосида таҳлил этилмаган. Тадқиқотчилар шаҳарлар тарихини комплекс олиб, эмпирик умумлашмалар, тарихий фактлар асосида ёритган. Бу изланишларда асосан қисқа тарихий давр ичида тўпланган ижобий тажрибалар ўз аксини топган[4]. Шу жиҳатдан олиб қараганда, қайд этилган ишлар кўра кўп ҳолларда замонавий талабларга жавоб бермайди.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, тадқиқотимизда қўйилган мақсад ва вазифалардан, объект ва предметидан келиб чиқиб, тадқиқ усуллари билан боғлиқ бўлган қатор масалаларнинг назарий жиҳатларига тўхталиб ўтиш зарурдир.

Ҳозирги замон фанлари тизимида бевосита аҳоли ҳамда аҳоли пунклари (хусусан, шаҳарлар) ва у билан боғлиқ масалаларни ўрганишда замонавий иқтисодий ва социал география ва уларнинг асосида шаклланган геоурбанистика алохида ўрин тутади. Шунинг учун ушбу фан доирасидаги назарий тушунча ва қарашлар тадқиқотга методологик асос бўлиб хизмат қилиши табиий.

Илмий адабиёт ва тадқиқотларда шаҳар тушунчасининг талқини турли хил бўлиб, бу тўғрисида якдил бир тўхтамга келинмаганлигини, шаҳарлар кенг тарқалганлиги ва “шаҳар” тушунчасининг одатий ҳолга айланганлигига қарамасдан, жаҳонда бу тушунчага мукамммал таъриф берувчи умумэътироф этилган мезон йўқлигини кўриш мумкин. Шуни ҳисобга олиб, географ ва иқтисодчи мутахисислар томонидан тузилган “Ижтимоий-иқтисодий география: тушунча ва терминлар” номли луғатда замонавий талаблардан келиб чиқиб берилган таъриф оптимал деб ҳисоблаймиз. Унда, шаҳар – мамлакат қонунчилиги томонидан шаҳарлар туркумига кирувчи, шаҳар юридик мақомига эга бўлган аҳоли пунктига нисбатан айтилади, деб таъкидланган [5. Горкин 2013: 73].

Одатда, шаҳарлар (қишлоқ аҳоли пунктларига нисбатан) аҳоли сони кўплиги ва зичлигига, ҳамда аҳолининг ноаграр соҳаларда бандлиги, турар жой қурилмаларнинг типи (аксар ҳолда кўп қаватли бинолар), ҳаёт тарзи билан ажралиб туради. Кенг тарқалган мезон сифатида аҳоли сони қабул қилинган (аҳоли сонининг энг кам чегараси – 1 дан 2,5 минг киши) [5. Горкин 2013: 73].

Шаҳарлар мавзусини ўрганишда билишнинг фундаментал усулларидан бири ҳисобланган, шу жумладан, ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида, география фанида ҳам кенг тарқалган қиёсий таҳлил усули муҳим роль ўйнади. Сабаби, қайд этилган фанлар доирасидаги тадқиқотларида тажриба усули ўта чеклангандир. Шуни ҳисобга олиб, Зарафшон иқтисодий райони шаҳарларининг мустақиллик даври тарихини ўрганишда биз ҳудуд кўрсаткичларини бошқа районлар, республика миқёси ва заруратга қараб жаҳон тажрибаси билан қиёслаган ҳолда ўрганишга ҳаракат қилдик.

Геоурбанистикада кенг тарқалган усуллардан бири бу типологик усулдир. Типология – бу асосий хусусиятларини аниқлаш орқали мураккаб объектларни ўрганиш усулидир. Шаҳарларни ўрганишда шаҳарлар типологияси усули муҳимдир, чунки шаҳарлар типологияси бирон бир шаҳарни бошқа шаҳарлар қаторидаги ўрнини аниқлаш имконини беради. Хуллас, шаҳар типи – бу қисқа, ўта

ихчамлашган шаклдаги тасниф, ўзига яраша формуладир. Чунки, шаҳар – объект сифатида барчага хос бўлган ҳолат ва индивидуал жиҳатлар қоришмасидир [3. Лаппо 1997: 39-40].

Шаҳарларнинг классификация усули бу типологиянинг дебочаси (остонаси) ҳисобланади. Чунки шаҳар классификацияси фақат бир белгини инобатга олади (масалан, аҳоли сони), типология эса – шаҳарларни тури бўйича тақсимоти – белгилар бирикмасига таянади. Бошқача айтганда, классификациянинг олий босқичидир [3. Лаппо 1997: 40-41].

Геоурбанистикада шаҳарлар типологиясининг бир неча тури ишлаб чиқилган ва амалиётда қўлланилган. Муҳими шундаки, шаҳарлар типологияси ижтимоий география эмас, асосан иқтисодий география нуқтаи назаридан ишлаб чиқилганлиги бизнинг тадқиқот учун муҳимдир. Улар қуйидагилардан иборат: генетик типология; бир неча булимлардан иборат функционал типология; шаҳарларнинг синтетик (интеграл) функционал типологияси. Жумладан, булар орасида тадқиқотимизнинг ҳудудий йўналишига яқин ҳисобланган – иқтисодий географик жойлашуви (ИГЖ) типологик белги сифатида – функционал тури Зарафшон иқтисодий райони шаҳарларини таҳлил этишда услубий қўлланма вазифасини бажарди.

Бу жиҳатдан олганда, ЎзР ФА Тарих институтида проф. Д.Х. Зияева раҳбарлигида бажарилган “Ўзбекистон шаҳарлари тарихи: анъаналар, урбанизация ва трансформация жараёнлари (энг қадимдан ҳозиргача)” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси қизиқиш уйғотади. Тадқиқот натижасида чоп этилган монографияда шаҳарлар тарихи билан боғлиқ, юқорида қайд этилган айрим география фани тадқиқот усуллари ҳақида фикр юритилади.

Жумладан, қадимий шаҳарлар тарихини тадқиқ қилишда энг аввало шаҳарлар генетикаси, яъни келиб чиқиш тарихи катта аҳамият касб этиши таъкидланган. Функционал типологияси ҳақида тўхталиб, республика ҳудудида дастлабки шаҳарларнинг пайдо бўлиши узоқ ўтмишда ижтимоий меҳнат тақсимоти, табиий, географик ҳамда иқтисодий омиллар таъсирида содир бўлган бўлса, бугунги кунда уларнинг функционал типологиясида табиий ресурслар, ҳудудий меҳнат тақсимоти, логистика ва транспорт тизими, саноат тараққиёти каби омиллар муҳим роль ўйнаётгани айтилган [9. Зияева 2017: 6-7].

Замонавий шаҳарлар ўз функционал вазифаларига қараб кўп функцияли сиёсий-маъмурий марказлар (вилоят марказлари ва пойтахт шаҳарлар), кўп тармоқли йирик саноат марказлари, бир неча ёки бир саноат тармоғига ихтисослашган шаҳарлар, транспорт ва логистика марказлари; агроиндустриал шаҳарлар, рекреация шаҳарлари, илм-фан марказлари, унверситет шаҳарларига ажратилади[9. Зияева 2017: 7].

Умуман олганда, шаҳарларни классификацияси иқтисодий география фанининг муҳим усулларидан бири бўлиб, шаҳарларни бирон бир белги ёки уларнинг комбинация билан боғлиқ таснифлаш тушунилади. Шаҳар аҳоли пунктлари классификациясининг энг кўп қўлланиладиган таснифи қуйидагилардир: катталиги бўйича (аҳоли сони ва зичлиги); вазифа (функция)лари; ҳудудий меҳнат тақсимотидаги иштироки; келиб чиқиши; ва ниҳоят, иқтисодий географик жойлашуви [2. Интернет манба].

Дунё давлатларида аҳоли сонининг миқдорий кўрсаткичдан келиб чиққан ҳолда, турли мезонлар қабул қилинганлигини куриш мумкин. Масалан, энг кам кўрсаткич Уганда давлатида – 100 кишидан ортиқ аҳоли пунктига шаҳар мақоми берилиши (шу билан бирга, маъмурий ёки савдо маркази бўлиши талаби ҳам қўйилган) қайд этилган. Айрим аҳолиси сийрак ҳисобланган мамлакатларда ҳам шунга ўхшаш ҳолат кузатилади (Гренландия ва Исландияда 200 кишидан ортиқ аҳоли пунткларига шаҳар мақоми берилади). Максимал мезонга эга давлат сифатида Японияни мисол қилиш мумкин. Ушбу мамлакат қонунчилигига асосан аҳоли сони 50 мингдан ортиқ бўлиши, шу билан бирга, аҳолининг 60 % (уй хўжалигини ҳисобга олиб) ноаграр соҳада меҳнат қилиши талаб этилади [5. Горкин 2013: 73].

Миллий қонунчилик тизимда ҳам аҳоли сони миқдорий мезони қабул қилинган. Айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг бу борадаги норматив ҳужжатлари эволюцион жараёнда. Хусусан, 2002 йилда қабул қилинган “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 2 моддаси “Асосий тушунчалар” шаҳар тушунчасига изоҳ берилмаган бўлса [7. Интернет манба], 2019 йилдан (2019 йил июнь ҳолати) бошлаб лойиҳа тарзида муҳокама жараёнида бўлган янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик кодекси”да бу бўшлиқ бартараф этилмоқда. Унда қуйидаги вариант таклиф этилган: “шаҳар - ... Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишининг таркибий қисми бўлиб, уй-жой бинолари, ижтимоий, ишлаб чиқариш, транспорт, муҳандислик ва бошқа мақсадлардаги бино ва иншоотлар зич жойлашган, шунингдек ўзига хос иқтисодий, тарихий, илмий ва маданий аҳамиятга эга бўлган, аҳолисининг асосий қисми саноат корхоналарида, давлат бошқаруви тузилмаларида,

умумий ўрта ва олий таълим, фан ва маданият, молия-банк тизими муассасаларида банд бўлган ва сони ўн минг кишидан ортиқ бўлган ҳудуд” [8. Интернет манба].

Муҳими шундаки, амалдаги Кодексда “шаҳар поселкаси” тушунчаси ҳам изоҳланмаган эди. Дарҳақиқат, 2009 йил 13 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 68-сонли қарори чиқди [1. Интернет манба] унга асосан республикадаги шаҳар поселкалари сафи бир неча бор ортиб, 965 та йирик қишлоқ аҳоли пунктларига шаҳар посёлкалари мақоми берилди.

Янги таҳрирдаги Қонун лойиҳасида ҳам бу масалага барҳам бериш режалаштирилган. Унга асосан, шаҳар посёлкаси деб, **“**Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан номи, мақоми ва чегаралари белгиланган Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишининг таркибий қисми бўлиб, уй-жой бинолари, ижтимоий, ишлаб чиқариш, транспорт, таълим, муҳандислик ва бошқа мақсадлардаги бино ва иншоотлар жойлашган, шунингдек ўзига хос саноат ёки илмий аҳамиятга эга бўлган, аҳолисининг асосий қисми саноат корхоналарида, илмий ва давлат бошқаруви муассасаларида банд бўлган ва сони икки минг кишидан ортиқ бўлган ҳудуд (туманларнинг маъмурий маркази вазифасини бажарувчи ёки аҳолининг асосий қисми банд бўлган сохага мутаносиб равишда саноат, курорт, илмий, темир йўл хўжалиги, балиқчилик, тоғ-кончилик, дала ҳовлилари посёлкалари)” айтилади.

Шаҳарсозлик Кодексининг 9 моддасида республикадаги аҳоли пунктларининг бўлиниш принциплари кўрсатилиб, жумладан, шаҳарлар, шаҳар посёлкаларининг қуйидагича миқдорий тартиби қайд этилган [1]: энг йирик аҳоли пункти - аҳолисининг сони 1 млндан ортиқ кишидан иборат; йирик аҳоли пункти- 250 мингдан 1 млнгача; катта аҳоли пункти – 100 мингдан 250 мингача; ўртача аҳоли пункти – 50 мингдан 100 мингача; кичик аҳоли пункти – 50 мингача.

Дарҳақиқат, кўплаб давлатлар амалиётида, яъни шаҳарлар классификациясида иккинчи категория аҳоли пунктлари – аҳоли сони миқдорлари 500 мингдан 1 млнгача деб белгиланган. Ўзбекистонда вазият тақозоси билан 500 минг ва ундан ортиқ аҳоли сонига эга бўлган шаҳарлар деярли мажуд эмас (яқин йилларда Самарқанд ва Наманган ушбу шаҳарлар рўйхатидан ўрин олиши кутилишини ҳисобга олмаса). Бу ҳолат ҳудудларни модернизациялаш ва меҳнат ресурслари миграциясини ўзига жалб этиш имкониятини чеклаш билан боғлиқ қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Мутахассислар тили билан айтганда, Ўзбекистон ягона катта мегополисга ҳамда кўплаб кичик шаҳарларга эга бўлган, 500 минг кишидан ортиқ бўлган йирик шаҳарлари бўлмаган мамлакат ҳисобланади [6. Урбанизация: 16]. Зарафшон иқтисодий райони ҳам бундан мустасно эмас.

Шаҳарсозлик масаласида миллий қонунчилик тизимига таклиф этилган яна бир муҳим ўзгариш бу шаҳар поселкалари классификациясидир. Юқорида қайд этилан қонун лойиҳасига таклиф этилган ўзгаришда аҳоли сонига қараб шаҳар посёлкалари қуйидагиларга бўлиниши қайд этилган [8. Интернет манба]: йирик аҳоли пункти - аҳолисининг сони 7 мингдан ортиқ кишидан иборат; катта аҳоли пункти - 5 мингдан 7 минггача кишидан иборат; ўртача аҳоли пункти - 3 мингдан 5 минггача кишидан иборат; кичик аҳоли пункти - 2 мингдан 3 минггача кишидан иборат.

Шундай қилиб айтиш мумкинки, замонавий тарихий тадқиқотларига фаол тарзда фанлараро тадқиқот усуллари интеграциялашмокда. Ушбу инновацион усул гуманитар, ижтимоий, аниқ ва табиий фанлар амалий натижаларидан ўзаро кенг фойдаланишни назарда тутади. Шу жиҳатдан олганда, шаҳарлар тарихи мавзусини ўрганишда аввало география фани, шунингдек, иқтисодий фанлар ютуқлари, методологик ёндошувларнинг тадбиқ этилиши тадқиқот юзасидан олинаётган илмий натижаларни янада чуқурлаштиради. Муҳими, ушбу усул нафақат ўтмиш ва ҳозирги кун тасвирини беради, балки келажакни илмий асосда, аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда башорат қилиш имконини беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. http://www.lex.uz/acts/1486944
2. Классификация городов // http://edu.tsu.ru/eor/resourse/174/html/39.html
3. Лаппо Г.М. География городов: Учеб. Пособие для геогр. Ф-тов вузов. – М., 1997. – С. 39-40.
4. Рахимов М. История основания и развития социалистического города Бекабада (1942-65 гг). Автореф.дисс. кан.ист.наук. -Т., 1968; Азизова Н.Х. История основания и развития социалистического города Янгиюля (1934-65 гг). Автореф.дисс. кан.ист.наук. Т., 1973; Турсунов С.Н. История развития новых социалистических городов Узбекистана Денау и Шерабада. Автореф.дисс. кан.ист.наук. Т., 1985. Турсунов Ж.Н. История экономического и социального развития городов Узбекистана (на примере городов Байсун, Шаргун, Шурчи). 1971-1990. Автореф.дисс. кан.ист.наук.

Т., 1995; Каршиев Р.М. Экономическое и социально-культурное развитие г. Навои: опыт и проблемы (1958-1990 годы). Автореф.дисс. кан.ист.наук. Т., 1996 ва бошқ.
5. Социально-экономическая география: понятия и термины. Словарь-справочник / под ред. А. П. Горкина. – Смоленск: Ойкумена, 2013. С. 73.
6. Урбанизация и индустриализация в Узбекистане: вызовы, проблемы и перспективы. CER. Аналитическая записка 2009/01. Ташкент, 2009. С. 16.
7. Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик кодекси // http://lex.uz/acts/46868
8. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик Кодекси (янги таҳрир). ID-2887. (Лойиҳа) // https://regulation.gov.uz/oz/document/2887
9. Ўзбекистонда замонавий шаҳар маданияти (1991-2016 йиллар) / масъул муҳ. Т.ф.д., проф. Д.Х.Зияева. Т., 2017. 6-7 бетлар.

ТАКРОРЛАНУВЧИ ХАРАКТЕРГА ЭГА ЙЎҚОЛИШ СЕМАЛИ ФЕЪЛЛАР

Отахонова М.Р., АнДУ

Annotation: This article examines the use of the capabilities of verbs with the meaning of non-existence and their classification by the meaning of existence. Special attention is paid to another important aspect of the verbs of the Uzbek literary language.

Key words: the classification of the verbs, semantic's the verb, the meaning(seme) of existence, the meaning of non-existence(disappearance).

Феъл семантикаси мавзусида кўплаб олимлар, мутахассислар тадқиқот ишлари олиб борганлиги барчамизга маълум. Айниқса бу борада Э.Р.Тенишев **[Тенишев Э.Р. 1961: 232-293],** К.Холиқов **[Халиков К. 1967: 26-29]**, Р.Расулов **[Расулов Р. 1989: 15]**, Ў.Шарипова **[Шарипова Ў. 1996: 53]** каби олимларнинг илмий фикр ва мулоҳазалари диққатга созовордир. Феълнинг семантик таснифига оид салмоқли ва атрофлича фикрларни А.Нурмонов **[Нурмонов А. 2001:14-23]** ва А.Ш.Собиров **[Собиров А., 2005: 24]** ишларида ҳам кузатамиз. Жумладан, "Ўзбек тилининг назарий грамматикаси"да феълларнинг ҳаракатга хос яратиш, бузиш, ўзгартириш, сўзлаш, сезиш, йўналтириш; ҳолатга хос руҳий-ҳиссий, иқтисодий ва тафаккур билан боғлиқ жиҳатлари эътиборга олинади. Замонавий тилшуносликда эса феъл семантикасини когнитив аспектда ўрганиш муҳим бўлиб келмоқда. Бу борада бажарилган ишлардан Т.Г.Скребцова **[Скребцова Т.Г. Когнитивная 2011. ISBN 978-5-8465-1037-1]** ҳамда А.М.Плотникова **[Плотникова А.М., 2009, ссылка-elar.urfu.ru>bitstream]** ларнинг илмий ишлари алоҳида эътиборга эга.

Феълларни мавжудлик семасига кўра оппозитив таҳлил қилиш феълнинг барча семантик-мазмуний гуруҳларини қамраб олади ва ўзига хос гуруҳларга ажратиб тадқиқ қилинади. Феълларнинг мавжуд эмаслик семаси бирор нарса, ҳодиса ёки жараённинг йўқолиши англатади ва ҳар хил вазиятларда турлича намоён бўлади. Масалан, *тугамоқ* феълини кўриб чиқадиган бўлсак,: *мажлис тугади* (охирига, ниҳоясига етмоқ), *қудуқнинг суви тугади* (ишлатилиб, сарфланиб тамом бўлмоқ), *саводсизлик тугади* (барҳам топмоқ, йўқолмоқ, йўқ бўлмоқ) тарзида йўқолиш семасининг турли кўринишларини юзага чиқармоқда. Ёки ў*лмоқ* феълини олсак, ундан биринчи галда организм ҳаётий фаолиятининг тугаганлиги, жисман йўқ бўлиш маъноси англашилади ва бу маъно жонсиз предметларга, ҳис-туйғуларга нисбатан қўлланилганда ҳам сақланиб қолади: *ҳафсаласи ўлди* (йўқолмоқ), *цемент ўлибди* (ўз хусусиятини, сифатини йўқотмоқ).

Мавжуд эмаслик маъносини ифодаловчи феълларнинг айримларида бу жараён-йўқолиш такрорланувчи (ёки қайтувчи) табиатга эга бўлса, баъзиларида ушбу жараён қайтарилмасдан бутунлай изсиз йўқолиб кетиш маъносини намоён қилади. А*римоқ, битмоқ, бузмоқ, кетмоқ, куймоқ, кўтармоқ, парчала(н)моқ, тугамоқ, синмоқ* каби феълларда йўқолиш маъноси объект ёки субъектнинг бутунлай йўқ бўлиши, барбод бўлиши, мавжуд эмаслигини ифодалайди: *одам ариди, ғами ариди, овқат куйди, билети куйди, ердан қор кетди, кийимнинг доғи кетди*. Масалан қуйидаги гапда *якун топмоқ* қўшма феъли қўлланилиб, шахснинг вафот этиши, жисман бутунлай йўқ бўлишни ифодаламоқда: *Шу билан ичимиздан чиққан хоиннинг жирканч умри якун топди.* **[С.Аҳмад, 189-б.]**

Тарқамоқ, сингмоқ, тинмоқ, ботмоқ, тўхтамоқ, беркинмоқ каби феъллар эса жараённинг такрорланиш (қайтиш)ига ишора қилиб, йўқолган шахс, нарса ёки ҳодиса яна номаълум вақтдан сўнг албатта мавжудлик характери касб этишидан далолат бериб туради: *қуёш ботди, булутлар тарқади, ёмғир тинди, болалар беркинди* (ёки қуёш уфқ ортига беркинди). *Ўчмоқ* феъли оловга нисбатан қўлланилиб, ёнишдан тўхтамоқ (1) маъноларини билдиради ва унинг мавжуд эмаслик, йўқолиш маъноларини ифодалаш имкониятлари контекстда ойдинлашади:

Шу зарра ғубордан бўлсайдим холи,
Қалбимдан *ўчсайди* шу арзимас доғ,...

[И.Мирзо.17]

Қишлоққа кечикиб борганда хабар
Изим *ўчган* бўлар бир кема каби.

[И.Мирзо.29]

Юқорида келтирилган мисолларнинг биринчисида ўчмоқ феъли туйғуларга нисбатан қўлланилиб, ташвишларнинг йўқ бўлиши, қалбан енгилликни ҳис қилишни ифодалайди ва ушбу ҳолатнинг такрорланиш эҳтимоли юқори ҳисобланади, иккинчи мисолдан ушбу феълнинг вафот этмоқ, жисман йўқ бўлмоқ маънолари англашилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси, Т.; 2001.
2. Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феълларининг облигатор валентликлари. Т., Фан, 1989.
3. Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш. ф.ф.д. , дисс. автореферати., Т.:2005.
4. Саид Аҳмад, Киприкда қолган тонг, қиссалар, хотиралар, ҳикоялар. Т., Шарқ, 2008.
5. Тенишев Э.Р. Глаголы движения в тюркских языках.//Исторические развития лексики тюркских языков. М.;1961.
6. Халиков К. Глаголы движения в современном узбекском литературном языке. АКД. Самарканд, 1967.
7. Шарипова Ў. Ўзбек тилидаги юмуш феълларининг маъно валентликлари. ф.ф.н. дисс. автореф.1996.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I-II том Т.:ЎзМЭ, 2007.
9. Скребцова Т.Г. Когнитивная лингвистика: Курс лекций. -СПб.: Филологический факультет СПбГУ, 2011. ISBN 978-5-8465-1037-1.
10. Плотникова А.М. Когнитивное моделирование семантики глагола. УГУ, 2009, elar.urfu.ru>bitstream

ЛИНГВОСТРАНОВЕДЧЕСКОЕ ОПИСАНИЕ АНГЛИЙСКИХ ФРАЗЕЛОГИЗМОВ, ВКЛЮЧАЮЩИХ ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ НАИМЕНОВАНИЯ

Байниязов А.Т., КарГУ, г.Нукус

Annotation. The article deals with lingvocultural description of English phraseologisms, including geographical items.

Key words: Phraseology, lingvocultural, phrase, geographic, historical.

В настоящее время вопрос об использовании элементов страноведения в процессе изучения иностранного языка можно считать решённым. Новый аспект, получивший название лингвострановедения, имеет собственный материал исследования. Лингвострановедческий материал не только содержит информацию о лингвистическом факте, но и что самое главное, помогает изучающему иностранный язык понять национально исторические особенности этого факта - особенности, свойственные иной социокультуре [Collins 1975: 4].

Цель этой статьи - дать достаточно подробные сведения о происхождении десяти английских фразеологизмов, в состав которых входят географические наименования - названия городов, деревень и т.п. Поскольку города с самого начала своего существования играли важную политико-экономическую роль, были центрами культурной и светской жизни, с ними связаны многие значительные, а подчас и курьёзные события, которые нашли отражение в рассматриваемых фразеологизмах [Кунин 1984: 15].

Берем следующие примеры:

1. All ship-shape and Bristol-fashion или Bristol-fashion and ship-shape -встречается в двух вариантах в английском языке, боле того в образном порядке.

С XIV - XV вв. Город Бристоль стал вторым (после Лондона) портом страны. На его верфях строили отличные корабли, совершавшие многомесячные плавания к берегам Африки и Америки. Заслуженная слава кораблей, построенных в Бристоле, нашла отражение в данном фразеологизме. Следует заметить, однако, что в современном английском языке этот фразеологизм употребляется

довольно редко; более частое применение находит его модифицированный вариант **in a ship-shape manner** - аккуратно, опрятно.

2. Brummagem или brummagem button - фальшивая монета.

Brummagem – *прост,* от Birmingham. В XVII в. в Бирмингеме приобретает широкий размах чеканка фальшивых монет, а также производство дешёвых, безвкусных украшений, имитирующих настоящие драгоценности.

В XIX в. слово Birmingham приобретает новый (уничтожительный) оттенок, который связан с промышленным переворотом, происходившим в Англии, и изменением облика многих городов страны. Серые промышленные города с дымящимися чёрными трубами (среди них Бирмингем – один из первых индустриальных городов Англии) стали олицетворением пороков новой, непонятной жизни, не принимаемой сторонниками старой сельской Англии.

3.To grin like a Cheshire cat – ухмыляться, улыбаться во весь рот. (*досл,* улыбаться как чеширский кот),которая имеет следующие объяснения происхождению данного фразеологизма:

а) английское графство Чешир издавна славится своими сырами, Одно время головкам чеширского сыра придавали форму головы, улыбающийся во весь рот кошки.

б) на фамильном гербе одной из знатных семей, проживаемой в графстве Чешир, был изображён лев. Многократное копирование геральдического знака местными художниками для всякого рода вывесок привело к тому, что грозный «царь зверей» стал похож на ухмыляющегося кота.

Выражение **To grin like a Cheshire cat** стало широко известным благодаря Льюису Кэрроллу, использовавшему фразу в своей знаменитой книге «Алиса в стране чудес». Компонент фразеологизма a Cheshire cat был интерпретирован автором буквально и превращен в одного из персонажей повествования: "... a large cat, which was sitting on the hearth and grinning from ear to ear". "Please, would you tell me... why your cat grins like that? It's a Cheshire cat... and that's why" (Carol L. "Alice's adventures in Wonderland").

4.To send smb. to Coventry – бойкотировать кого-л.; прекратить общение с кем-л.; игнорировать кого-л. (*досл,* отправить кого-л. в Ковентри).

Лексикографические источники предполагают следующие варианты толкования происхождения этого фразеологизма:

а) Во время английской буржуазной революции (XVII в.) в городе Ковентри находилась тюрьма, в которую под стражей отправляли противников новой, буржуазной власти. Ковентри, таким образом, был для роялистов местом ссылки и изгнания.

б) Жители Ковентри испытывали глубокую неприязнь к солдатам, располагавшимся на постой в их домах. Это чувство неприязни было настолько сильным, что если женщину видели в обществе военного, то с нею немедленно порывали всякие связи. Враждебность жителей города стала причиной того, что служба в Ковентри считалась неприятной и нежелательной повинностью, выражением общественного порицания, отчуждения от других людей.

5.True as Coventry blue - выражение, употребляемое при заключении коммерческой сделки и означающее, что сделка носит честный характер.

Рассматриваемый фразеологизм связан со словосочетанием *Coventry blue,* имевшим значение «настоящий синий цвет»: в городе Ковентри знали секрет выработки синей краски, не линявшей при стирке.

6. A(wise) man of Gotham – человек, делающий глупости.

Готам – населённый пункт, находящийся недалеко от города Ноттингема. Никто не знает наверняка, когда и почему английские остроcловы избрали героями своих шуток и анекдотов жителей Готама. Согласно имеющейся версии, они совершали многочисленные глупости, причём делали это нарочно, чтобы избежать соседства короля Джона, который собирался построить недалеко от Готама свой замок- крепость, Дальновидные жители Готама, сообразив, что король обложит их дополнительными налогами, решили пойти на хитрость прикинуться сумасшедшими. Когда королевские посланники увидели множество людей, совершавших бессмысленные поступки, они поспешили покинуть Готам и убедили короля Джона не устраивать поблизости свою резиденцию. Жителям Готама поэтому приписывает выражение "more fools pass through Gothan than remain in it" - больше глупцов проезжает через Готам, чем живёт в нём.

7. Go to Halifax, Go to Bath – Отправляйся в Галифакс, Отправляйся в Бат (эвфемизмы, заменяющие выражение «Иди к чёрту»).

Галифакс – город в графстве Йоркшир. Бродяги и нищие, скитавшиеся по дорогам средневековой Англии, обходили его стороной. В городе, известном своими ткацкими

мануфактурами, вплоть до 1650г. действовал закон, дававший его жителям право требовать смертной казни для каждого, кто был уличён в краже куска ткани стоимостью более 13,5 пенсов. Решение суда приводилось в исполнение с помощью специального механического приспособления, напоминавшего гильотину (Halifax Gibbet) и снискавшего себе мрачную славу. Таким образом, выражение Go to Halifax приобрело значение «отправляться на смерть, в ад».

Бат – живописный город-курорт на реке Эйвон. Знаменитый своими целебными источниками, этот город исстари пользовался большой популярностью у английской аристократии. В период реставрации монархии в Англии аристократические верхи, приезжая в Бат, открыто демонстрировали свободу нравов, за что их резко осуждали пуритане, прозвавшие Бат царством сатаны (the Devil's own playground). В устах пуритан выражение to go to Bath означало «отправляться к чёрту (в преисподню)». В современном английском языке выражение Go to Halifax, Go to Bath стали тождественными.

8. To be on the high - road / highway to Needham – быть на грани разорения/банкротства (*досл,* быть на пути в Нидам).

Следующие два слова определяют смысл рассматриваемого фразеологизма:

1.Needham - производное слово (need - нужда, бедность + ham - суффикс, довольно часто встречающийся в названиях английских городов, например: Cheltenham, Roteham и т.п.)

2.Needham Market - небольшая деревня недалеко от города Ипсвича.

9.To carry coals to Newcastle – возить что-л. туда, где этого и так достаточно; заниматься бессмысленным делом (*досл,* возить уголь в Ньюкасл; *ср.русск.* ехать в Тулу со своим самоваром).

Ньюкасл - центр английской угольной промышленности. Первые угольные копи разрабатывались здесь ещё в XIII в.

10. Scarborough warning, Lidford law – фразеологизмы, имеющие следующие значения:

1.расправа без суда, без предупреждения;

2.предупреждение, сделанное за очень короткий срок.

Сарборо - город в графстве Йоркшир. В этом городе в XVI в. королевские чиновники практиковали расправу без суда над разбойниками, обосновывая свои действия формулой “blow first, warning later” - вначале наказать, а потом разобраться.

Исторической иллюстрацией выражения Scarborough warning стал в XVII в. быстрый и неожиданный захват Томасом Страффордом одной из крепостей Скарборо. Ближайший помощник короля Карла I, казнённого впоследствии в ходе английской буржуазной революции, Страффорд отличался чудовищной жестокостью и снискал себе ненависть народа всей страны.

Лидфорд – небольшое местечко на полуострове Корнуолл. С ним связано следующие двустишие;

First hang and then draw.
Then try the case at Lydford law.

Литература

1.Collins V.A. Book of English Idioms (With explanation). - London, 1975.

2.Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь - Москва, 1984.

3.Пархамович Т.В. Англо-русский, русско-английский словарь фразеологизмов. Москва, 2011.

ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЁЗМА НУТҚИНИ ЎСТИРИШДА КОМПЬЮТЕР ИМКОНИЯТЛАРИ

Ўралова М., Умирзоқова М.И. (ЖДПИ)
Илмий раҳбар: ф.ф.д. Жуманазарова Г.У.

Сўнгги йилларда асосий эътибор ўқувчилар нутқини ўстиришга қаратилаётган тадқиқотларнинг методик жиҳатдан ўзини оқлаб, ижобий натижа бераётганини эътироф этиш зарур. Лекин кузатишлардан оғзаки нутқни ривожлантириш асосий ўрин тутгани ҳолда ўқувчилар ёзма нутқининг талаб даражасида бўлишига етарли эътибор қаратилмаётгани хусусида хулоса чиқардик. Бу борада, айниқса, илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш мумкинлигини назарда тутиб, ўқувчиларнинг ёзма нутқини ўстиришда замонавий воситалардан фойдаланишнинг назарий, шу жумладан, методик ва психологик асослари фундаментал равишда ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилаётган бўлса ҳам, ўқувчилар ёзма нутқини ўстиришга кўмаклашувчи замонавий воситаларга қўйиладиган талабларни белгилаш, ўқув материаллари яратиш ва машғулотларни ўтказиш методикасини такомиллаштириш давр талабидир.

Компьютердан фойдаланишнинг ижобий томонлари:

– ўқувчиларда жадал фикрлаш, замонавий техника билан мулоқот кўникмалари шаклланади, ривожланади;

– компьютер билан доимий мулоқот, илмий-ижодий тафаккурни ривожлантирувчи электрон ўқув дастурлари ўқувчида ижобий ўқув мотивларининг шаклланишига шароит ва имконият яратиб беради. Дастурлаштирилган ЭЎҚлар лингвистик слайдлар, муаммоли топшириқлар тизимидан матн яратиш жараёнида унумли фойдаланиш, фаол ва мантиқий мушоҳада юритиш, сўз танлаш, уни ёзма нутқда ўринли ишлатиш кўникмасини ҳосил қилади.

– компьютер билан мулоқот ўқувчини ўз-ўзидан таълим жараёнининг субъектига айлантиради – компьютер дастури уни фаол ишлашга, тез фикрлашга, фикрни аниқ ва қисқа ифодалашга мажбур қилади;

– она тили таълимида сатҳлараро, фанлараро алоқани тиклаш осонлашади ва ҳ.к

Дарслар учун материаллар тўплашда интернет хизматидан фойдаланиш имкониятлари каттадир. Интернет – бу ахборотлар манбаи, бу – кутубхона, бу – музей, бу – архив, бу – маъруза ва матнлар, бу – электрон почта, бу – масофадан ўқиш ҳамда ўқитиш имконияти ва ҳ.к. Демак, интернетдан турли мақсадларда фойдаланиш мумкин. Уни мактабда таълим-тарбия жараёнида ҳам қўллаш замон талабига айланди. Интернетдан фойдаланишдан аввал унинг имкониятлари ва ресурсларини қандай мақсадларда ишлатмоқчи эканлигимизни белгилаб олишимиз керак. бу мақсадлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

– Тармоқдаги ахборотлардан дарс ўтишда қўшимча материал сифатида фойдаланиш;
– Иллюстрация материалларидан кўргазмалиликда фойдаланиш;
– Мавзуни мукаммаллаштириш учун фойдаланиш.

Интернетнинг афзаллиги шундаки, ундан зарур пайтда энг янги маълумотларни олиш мумкин бўлади. Шунингдек, интернетдан керакли ва жуда қизиқарли иллюстрацияларни ҳам танлаб олиш имконияти мавжуд. Бу эса интернет тармоғининг дидактик имкониятлари кенг эканлигидан далолат беради.

Шуни инобатга олган ҳолда мутахассислар томонидан тавсия қилинаётган айрим метод ва усуллардан фойдаланиш бўйича ўз тажрибамиз натижаларини келтириб ўтишни маъқул кўрдик.

“Видеотопишмоқ” методи. Видеотопишмоқ методидан фойдаланишда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

Масалан, қуйидаги тасвирлар *компьютер* хотирасидан олинади ва ўқувчиларга тақдим қилинади.



O‘quvchilar e’tiboriga o‘rganilayotgan mavzu mohiyatini tasviriy yoritishga yordam beruvchi izohlarsiz bir nechta videolavha namoyish etiladi;

Улар тасвирни синчиклаб ўрганишлари, унда акс этган предметлар, мавжуд шароит, жараён билан боғлиқ ўз фикрларини дафтарларига ёзишлари лозим. Ўқитувчи олдиндан саволлар ҳозирлайди. Саволлар ўқувчиларнинг фикрларини тинглагандан кейин, баъзи ҳолларда агар ўқувчиларда ташаббус юзага чиқавермаса, уларни фикрлашга туртки бериш учун олдин берилиши мумкин. Масалан, 6-синф ўқувчиларига сўз таркиби мавзусини ўргатиш жараёнида 1-тасвир бўйича қуйидаги мазмунда саволлар тайёрладик:

1. Сиз кимнинг ҳаётини шамга ўхшатасиз?
2. Шам сўзининг уядошларини биласизми?
3. Шам сўзи билан ўзакдош сўзлар айтинг.
4. Шам билан боғлиқ қайси воқеа эсингизга тушди, шам билан боғлиқ латифа биласизми? ва ҳ.к.

Биз ўқувчилардан қуйидаги жавобларни олдик:

1. Шамни ўқитувчилар, зиёлилар ҳаёти билан қиёс қилиш мумкин.
2. Шам, шамдон, нур, зиё, чироқ, қолдиқ, қоронғулик каби сўзлар билан уядош.
3. Шамдон, шамчироқ, шамли, шамгарлик каби сўзлар билан ўзакдош.
4. *Бир куни афанди мачитга шом намозини ўқиш учун уйидан чиқиб кетибди. Ярим йўлга борганда хаёлига хонадаги шамни ўчирдимми ёки ўчирмадимми деган уй келибди. Ахир шам фалон сўм турса... дарҳол изига қайтибди. Эшикни тақиллатибди. Уйдан хизматкор чиқиб келибди. Афанди унга:*

1. эшикни очма, ошиқ-мошиғи ейилиб кетади. Менга хонадаги шамни ўчирган-ўчирмаганимни билиб бер-чи – дебди.

Хизматкор шам ўчирилганлигини билиб чиқибди. Бироқ у кулиб шундай дебди:

2. Ҳазратим, шунча йўлдан битта шам деб овора бўлибсиз, лекин оёғингиздаги ковуш ейилиб кетишини ўйламабсиз-да. Афанди шундай жавоб берибди:

3. Эй аҳмоқ, бундан ғам ема, ковушимни қўлимга олволганман.

Ўқувчиларнинг жавоблари ўзлари томонидан компьютерга терилса, жавоблар видеокўзгу орқали намойиш этилса, имло ва пунктуацион хатолари аниқланса, хатолар ўқувчилар билан ҳамкорликда тўғриланса, иш янада самаралироқ бўлади.

Юқоридагиларга қўшимча сифатида таъкидлаш ўринлики, матн компьютер экранидан ўқилганда ҳар доим ҳам имло ва пунктуацион хатоларни аниқлашнинг имкони бўлмайди. Шу боис имло ва пунктуацион хатоларни аниқлаш билан боғлиқ топшириқ ва вазифалар белгиланганда буни ҳисобга олиб қўйиш лозимдир.

“Тўғри-нотўғри” ўйини. Бу ўйин ўқувчиларнинг ўзлигини намоён қилишида, ақлини чархлашида, ҳозиржавобликка тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади. Ўйин қуйидагича ташкил қилинади: ҳукмлардан иборат гаплар компьютерга терилади, бироқ беркитилган ҳолда қўйилади, яъни улар рақамланади. Ўқувчилар хоҳлаган рақамни айтишлари керак бўлади. Рақам очилади ва гап ўқилади.

Ўқувчилар уларнинг тўғри ёки нотўғрилигини белгилашлари лозим бўлади. Компьютер экранида “Тўғри” ва “Нотўғри” сўзлари ёзилган бўлиб, ўқувчилар сичқончанинг ўнг томондаги тугмаси орқали ўз жавобларини белгилайдилар. Компьютернинг ўзи олдиндан киритилган дастурга мувофиқ баҳо қўйиб боради.

Саволлар сифатида тақдим қилинадиган гаплар қуйидаги мазмунда бўлиши мумкин.

1. Бир гап таркибида бир турдаги бўлакларнинг бирдан ортиқ ҳолда келиши ажратилган бўлаклар ҳисобланади. Нотўғри: уюшиқ бўлаклар

2. Йўлда баъзан катта-катта майдонни қоплаб олган оқ, пушти, сариқ ва қизил гуллар учрайди гапида тўлдирувчи уюшиб келган. Нотўғри: аниқловчи уюшган.

3. Киритмалар ўзлари алоқада бўлган бўлакнинг маъносини изоҳлаб, бўрттириб, аниқлаштириб ёки таъкидлаб келади. Нотўғри: бу – ажратилган бўлакнинг вазифаси.

4. Гапда бир хил синтактик вазифа бажариб, бир хил сўроққа жавоб бўлувчи, ўзаро тенг алоқада, бошқа-бошқа бўлаклар билан эса тобе алоқада бўлган бўлакалар уюшиқ бўлаклар дейилади. Тўғри.

5. Ундалма сўзловчининг нутқи қаратилган шахсни билдиради. Тўғри.

6. Ундалмалар эга каби гапда кесим билан боғланади. Нотўғри.

7. Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлаклардан олдин келса ундан кейин тире қўйилади. Нотўғри: икки нуқта қўйилади.

8. Бу дафтарни сенга олдим гапида 2 та тўлдирувчи мавжуд ва улар уюшган. Нотўғри, улар уюшмаган, чунки уларнинг бири нарса-буюм маъносини, иккинчиси аталганлик маъносини ифодалаган.

9. Уюшиқ эгалар бир-бири билан кўмакчилар орқали боғланади. Нотўғри: фақат билан кўмакчиси орқали боғланади.

10. Сиз аълочисиз ва жамоатчисиз гапида уюшган кесим қатнашмаган. Тўғри: кесим иккита, ҳар бири алоҳида ҳукмни ифодалаган, қўшма гап.

11. Умумлаштирувчи қисм олмош, от, феъл, сўз бирикмалари, кенгайган бирикмалар билан ифодаланиши мумкин. Тўғри.

12. Сизга, ўрта бўйли қизга, атлас кўйлак жуда ярашади гапида уюшиқ бўлак мавжуд. Нотўғри

13. Ажратилган бўлак ўзи изоҳлаётган бўлакдан олдин ёки кейин келиши мумкин. Нотўғри: доим кейин келади.

14. Ўғлим, қўзичоғим, ором олиб ухлаяпти, - деди она гапида ажратилган изоҳловчи мавжуд. Тўғри.

15. Киритмалар ёзувда вергул, тире, қавс билан ажратилади Тўғри.

16. Ундалма алоҳида оҳанг билан ажратиб айтилса, ундалмадан кейин вергул эмас, ундов белгиси қўйилади. Тўғри.

17. Ундалмаларнинг гапдаги ўрни қатъий: у доим гап бошида келади. Нотўғри.

18. Ундалмалар ўзига қарашли аниқловчи, изоҳловчи ёки ҳол билан ёйиқ ҳолда қўлланади. Нотўғри: ҳол билан ёйиқ келмайди.

19. Ажратилган бўлаклар бир предметнинг икки номи ҳисобланади. Тўғри.

20. *Дарахтдаги барча сайроқи қушлар: саъва, булбул, майна ва бошқалар унга жўр бўлди гапида бошқалар сўзи умумлаштирувчи бўлак ҳисобланади. Нотўғри: барча сайроқи қушлар умумлаштирувчи бўлак ҳисобланади*







Хулоса қилиб айтганда, таълим жараёнида компьютер технологияларидан фойдаланишдаги тўсиқларнинг аксариятини енгиб ўтиш имконияти мавжуд. Бунинг учун таълим муассасалари мутасаддиларининг саъй-ҳаракатлари ҳамда ўқитувчиларнинг замон билан ҳамнафас бўлиши талаб этилади. Ўқувчиларнинг ёзма нутқини ўстиришга йўналтирилган электрон дарсликлар, слайд пакетлари, энциклопедия, луғатлар яратиш, таълим жараёнини компьютерлаштиришдек долзарб муаммоларнинг ҳал этилиши она тили машғулотларининг самарадорлигини оширишга ҳисса қўшади.

ЮРИДИК ТИЛ ВА УНИНГ ТАДҚИҚИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Қўшмонова Ю.Т., ўқитувчи, СамДУ, Самарқанд

Annotation: *This article is about language of law which studied as the type of functional style*

Key words: *Language, right, notion, criteria, communication, thinking, law, language of law, style, functional style, juridic act.*

Тил ҳуқуқ илми ва амалиёти билан шуғулланадиган кишиларнинг касбий фаолиятида алоҳида ўрин тутади. Бинобарин, малакали ҳуқуқшунноc бўлиш учун нафақат давлат (она) тилини, балки ҳуқуқ тилини ҳам яхши билиш керак.

Иккинчи томондан, жамиятнинг фуқаролар билан, фуқароларнинг бир-бирлари билан самарали мулоқот қилишлари учун давлат тили ҳам, ҳуқуқ тили ҳам замон талаблари даражасида ўрганилган бўлиши керак. Чунки ҳуқуқ тили барча юридик ҳужжат ва категорияларни ифодалаш, уларни оғзаки ва ёзма шаклларда баён қилишнинг бирдан-бир воситаси, бирламчи омили. Тил қонун чиқарувчининг хоҳиш иродасини ифодалайди ва уни жамият аъзоларига етказади, бу билан у конструктив ва коммуникатив вазифа бажаради. Бу вазифани тил, табиийки, ижтимоий муносабатларнинг барча турларида бирдек бажаради. Аммо тил ҳуқуқ илми ва амалиётида булардан ташқари яна ҳуқуқнинг мақсад ҳамда вазифалари билан белгиланадиган ўзига хос вазифа – ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштирувчи, тартибга солувчи функция ҳам бажаради.

Ҳуқуқ тили – жамият аъзоларининг хулқини тартибга солиш учун ишлаб чиқилган, амалда қўлланадиган тушунча ва категорияларни ифодалаш усул ҳамда қоидаларининг тарихан таркиб топган тизимидир. Уни шунинг учун ҳам ўрганиш keракки, юридик актларнинг аниқлик ва мантиқлилик даражаси қонун чиқарувчининг уни (ҳуқуқ тилини) қандай билиши ва ундан қандай фойдаланаётгани билан белгиланади. “Ҳуқуқ тили”, “қонун тили”, “юрислингвистика”, “лингвоюридика” каби терминларни фарқламасдан қўллаш ҳам ҳуқуқ тили соҳасида кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради.

Собиқ иттифоқ даврида қонун, қарор ва бошқа юридик актлар мамлакатда сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, муайян мақсадларга хизмат қилувчи хўжалик ва социал вазифаларни бажаришга

бўйсундирилгани учун жамиятнинг демократик ва гуманитар соҳалари ишончли кафолати бўлган ҳуқуққа эҳтиёж сезмаганлар, ҳуқуқ тили лингвистик ва юридик объект сифатида ўрганилмаган.

Барча ижтимоий соҳалар каби ҳуқуқ тили ҳам Мустақиллик йилларида илмий тадқиқотлар объектига айланди. Чунки воқелик – жамият ўзгаргандан кейин ҳуқуқ тили ҳам ўзгарди, демократик руҳ касб эта бошлади. Қолаверса, ҳуқуқ тили ҳам ижтимоий-лисоний категория сифатида қотиб қолган, ўзгармас (статик) ҳодиса эмас. У доимо ривожланишда. Уни шундай ўрганиш эса ҳуқуқ илми ва амалиётидаги кетма-кетлик омилидан келиб чиқиб, унинг бошқа соҳалар билан алоқаларини, социал мақомини белгилайди. Бу, айниқса, ҳуқуқий онг ва тафаккур замонавий юридик стандартларни амалда қўллашга имкон берувчи мураккаб меъёрий тамойилларни ишлаб чиқишга йўналтирилган бизнинг кунларда алоҳида долзарблик касб этади.

кузатишларимиз юридик тил тадқиқи билан боғлиқ қуйидаги ҳолатлар мавжудлигини кўрсатади. Гап шундаки, ҳуқуқшунослар асосий эътиборни матннинг юридик маъносига қаратиб, тил таҳлилини тегишли лингвистик билимларсиз, юзаки амалга оширсалар, тилшунослар, аксинча, ҳуқуқ тилининг лисоний томонини ўрганадилар. Иккала ҳолатда ҳам ҳуқуқ тили ҳақида бир ёқлама, кўпинча, етарли асосланмаган хулосалар чиқарилади. Шунинг учун кейинги йилларда бизда ҳам юрислингвистлар – юриспруденция ва тилшунослик қонун-қоидаларини бирдек эгаллаган мутахассислар тайёрлаш ҳақида гапирилмоқда. Бу ерда ҳам кўплаб англашилмовчиликлар, қиёмига етмаган хулосалар, терминологик чалкашликларга (“ҳуқуқ тили”, “қонун тили”, “юрислингвистика”, “лингвоюристика” каби) дуч келинади.

Холбуки, ҳуқуқ тили – функционал стилларнинг ўзига хос бир тури. Чунки стиль тушунчаси тил билан, тилнинг нутқда намоён бўлиш шакллари билан боғлиқ. Яъни ифода стили дейилганда тил, тил дейилганда стиль тушунилади. Шунинг учун ҳуқуқ тилини ўрганишдаги асосий масала, биринчидан, унинг (ҳуқуқ тилининг) структур, систем ва когнитив қурилиши қандай ўрганиш, иккинчидан, уни функционал стилларнинг бир тури сифатида қараш мумкинми, деган саволларга жавоб беришни тақазо этади. Биз ҳуқуқ тилини функционал стилнинг ўзига хос тури сифатида идрок этамиз ва кейинги тадқиқотларимизда унинг структур, систем, лисоний ҳамда когнитив таркибини ўрганишга ҳаракат қиламиз ва сўзимизни С.О.Стефанованинг қуйидаги сўзлари билан якунлаймиз: “Юрислингвистический и лингвоюридический аспекты правовых текстов образуют особые подсистемы, требующие специальных теоретических и научно-практических разработок. В практическом плане сказанное может служить обоснованием по крайней мере двух общественно-организационных идей.

Во-первых, из него вытекает необходимость создания неких коллективных органов, которые соединили бы усилия лингвистов и юристов (а возможно, и представителей других специальностей, например, журналистики, социальной психологии и др.), действующих в рамках принципа дополнительности. Например, таким органом могла бы стать лингвоюридическая экспертная комиссия, наделенная правами давать официальные лингвистические экспертизы для следственных и судебных органов.

Во-вторых, принципиально взаимодействие лингвистов и юристов в сфере законотворчества и законоприменения [Стефанова, 45].

Адабиётлар

1. Голев Н.Д. Юридический аспект языка в лингвистическом освещении Юрислингвистика-1. Проблемы и перспективы [Текст] / Н.Д. Голев. – Барнаул, 1999.

2. Конакова Е.И. Формально-семантические аспекты англоязычного юридического текста [Текст] / Е.И. Конакова. – Национальная Юридическая Академия Украины им. Я.Мудрого.

3. Стефанова С.О. О языке права и юридических текстах. Юрислингвистика -1. Проблемы и перспективы [Текст] / С.О. Стефанова, 1999.

YAPON TILI SINTAKSISI ASOSIDAGI TUSHUNCHALARNING MANTIQIY SXEMASI

Radjabov D., SamDCHTI o’qituvchisi

Annotation. This article shows what the logical scheme is, how to use it and the role of logical scheme in Japanese syntax. Additionally, there is given some schemes on syntax, its use and some advantage sides of practicing logical scheme in the learning and teaching process.

Bugungi kunda mamlakatimizni yanada rivojlantirish uchun uchun albatta ko’proq tillarni o’rganib, zamonaviy texnologiyalardan unumli faydalanishimiz lozim. Bu uchun esa albatta xorijiy tillarni o’rganish talab qilinadi. Hozirda mamlakatimizda chet tillarni samarali o’qitish maqsadida ko’plab tilshunoslar va

o’qituvchilar tinimsiz ravishda o’qitish metodikasining yangidan-yangi usullari ustida bosh qotirishmoqdalar. Shunday yangi o’qitish usullaridan biri – mantiqiy sxema asosida ta’lim berish hisoblanadi. Mantiqiy sxema biror sohani ko’plab tarmoqlarini bir sxemada jamlab ko’rsatib, o’quvching xotirasida tezroq va uzoqroq saqlanib qolinishiga xizmat qiladi. Demak, mantiqiy sxema bu shunday ko’rinish-ki, biror fan sohasi yoki biror tushunchaning sxemalashtirilib, aniq bir qolipga solingan shaklidir.

Yapon tili o’rganish jarayonida biz ko’plab muammolarga duch kelamiz va bulardan eng asosiysi bu sintaksis tushunchasidir. Sintaksis yunoncha “Sintaksis” so’zidan olingan bo’lib, ”tuzish” degan ma’noni anglatadi. Sintaksis grammitikaning bir bo’limi bo’lib, bunda so’zlarning va gaplarning o’zaro aloqasini, so’z birikmalari va gaplarning turlarini, birikish usullarini o’rganadi. Bu jihatdan sintaksis morfologiyadan farqlanadi. Chunki morfologiya so’zlarning tuzilishi, yasalishi, turlanishi, tuslanishi kabilarni tekshiradi. Sintaksis esa, ana shu formalarning dinamikasini, ularning funksiyasini ma’lum bir fikrni ifodalashdagi rolini o’rganadi.

Til o’z ijtimoiy vazifasini sintaktik qurilma - gap vositasida amalga oshiradi. Tildagi barcha - fonetik, leksik, morfologik hodisalar ana shu sintaktik qurilishga xizmat qiladi. Sintaksis so’zlarning har qanday birikuvlarini emas, balki hokim-tobelik munosabatiga kirishgan erkin nutqiy birikuvlar va ularning lisoniy mohiyatlarini tekshiradi.

Quyidagi mantiqiy sxema asosida ko’rishimiz mumkin-ki, Yapon tili sintaksisi gaplarning turlari, so’zlar va ularning o’zaro aloqasi, so’z birikmalari va gaplarning birikish usullari kabilarni o’rganadi. Bu turlardan biri gap sxemaga asosan 5ga bo’lingan ya’ni, ega, kesim, aniqlovchi, to’ldiruvchi va hol.



Quyida berilgan mantiqiy sxema asosida ko’rish mumkin-ki, bu yerda kesim va uning turlari berilgan bo’lib, ular alohida ajratilgan va izohi bilan keltirilgan. Bu usul orqali ko’p hajmni egallaydigan ma’lumotni qisqa va tushunarli qilib o’quvchiga yetkazib berish mumkin. Bu orqali o’quvchi tez va oson mavzuni tushunib, u haqida keng tushunchaga ega bo’lishi ta’minlaniladi. Albatta, bunday usul orqali o’quvchi o’z bilim va ko’nikmalarini tez yodda saqlab qolishi bilan birgalikda, umumiy xarakterdagi mavzu yoki tushunchani jamlangan holda tushuna olishlari mumkin.



Xulosa qilib aytadigan bo’lsak, mantiqiy sxema asosida o’qitishning maqsadi o’quvchilarning bilim olish salohiyati va ko’nikmalarini yanada kengaytirish uchun qaratilgan bo’lib, birinchidan, ko’pchilik o’quvchilar uchun ko’rib esda saqlash samarali bo’lganligi bois sxemada berilgan tushuncha eslab qolishga oson hisoblanadi, ikkinchidan, tushuncha qisqa va aniq bo’lib o’quvchi ongida osongina ko’nikma hosil qilishga yordam beradi, uchunchidan, sxemada tushunchalar ketma-ket yoziladi, bu esa ko’p hajmdagi matnni qisqa va tushunarli qilib jamlab berishga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Karimov I.A. «Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch». T., Ma’naviyat. 2010.
2. A.Nurmatov va boshqalar. O’zbek tilining nazariy sintaksisi T
3.朝倉邦造(2011・2012)「日本語文章・文体・表現辞典」株式会社朝倉書店。ISBN 978－4－254－51037－9C3581
4. 稲賀敬二・竹盛天雄・森野繁夫(1992)「カラー版 国語便覧」教育図書出版 第一学習社。ISBN4-8040-2094-2
5. 井上史雄・鑓水兼貴『辞典 新しい日本語』東洋書林 ISBN